Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 16 ноябрь, Шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 86 (6783)

Даъват

Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддас ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари илан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.

Ибрат

Сеул шаҳрида утган пуфлаб чалинадиган чолғулар бўйича Ҳалқаро фестивалда Хива туманидаги М. Харратов номидаги болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси М. Матёқубов ҳамда «Суғдиёна» ансамблининг созандаси Ғ. Норбоев муваффақиятли иштирок этдилар. Улар фестивал дипломлари, қурик-танловнинг биринчи совринни ҳамда қимматбаҳо совғалар билан юртларига қайтдилар.

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛЬГИЯ : ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНИШИДАН БАРЧА МАНФААТДОР

Ўзбекистон Европага дарвоза очмоқда. Бельгия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдан барча манфаат кўради. Мамлакатимиз раҳбарининг Бельгия қироллигига расмий ташрифига ана шундай баҳолар берилаётир.

Дарҳақиқат, шу йил 12 ноябрь кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бельгия қироллиги Бош вазири Жан Люк Деханенинг таклифига биноан расмий ташриф билан бу мамлакатга келиб, расмий доиралар билан амалий учрашувлар, ҳамкорлик масалалари бўйича музокоралар олиб борди.

НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан учрашиб, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этди. Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари Бельгия Ташқи савдо офисига ташриф буюриб, бу мамлакатнинг йирик тадбиркорлари ва компаниялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Мазкур офис фахрий раиси шаҳзода Филипп билан суҳбатлашди.



Шу куни кечки пайтда Брюсселдаги Эгман саройида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан кейин Президент Ислом Каримов ва Бельгия Бош вазири Жан Люк Деханенинг яккама-якка суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фикр алмашдилар.

Ўзбекистон — Бельгия расмий делегацияларининг музокараларидан сўнг ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга, ҳамкорликни ривожлантиришга доир ҳужжат имзоланди.

Расмий ташриф самаралик ва мазмунли ўтаётганлигини 14 ноябрь куни мамлакатимиз раҳбарининг Бельгия Қироли Алберт II билан, Европа Иттифоқи комиссияси президенти Жак Сантер билан учрашув ва мулоқотлари ҳам яққол кўрсатди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Брюсселдаги «Вал дюшес» қароргоҳида Бельгия Бош вазири ўринбосари, молия ва ташқи савдо вазири Филипп Мейстадни қабул қилди. Узаро музокаралар ниҳоясида ҳар икки мамлакат ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция ҳамда ҳаво алоқасини йўлга қўйиш ҳақидаги битимларнинг имзоланиши кўзда тутилди.

Бельгия матбуоти ҳам мамлакатимиз раҳбарининг расмий ташрифига катта эътибор бермоқда. Жумладан, энг обрўли нашрлардан бири «Суар»да Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ушбу газета мухбири билан суҳбати эълон қилинган. Суҳбатда Европа давлатлари билан муносабат ва бошқа масалалар илгари сурилади. Хусусан, муносабатларни мустаҳкамлашдан мақсад, суҳбатда шундай изоҳланади: «Бизнинг мамлакатимиз жуда бой. Аммо ундан фойдаланиш учун технологиялларга эга эмасмиз. Келинг янги технологияларингизга хом-ашё алмашайлик. Бундан барча манфаат кўради».

Ҳа, расмий ташрифнинг асосий мақсадларидан бири Европа марказидаги иқтисодий тараққий қилган мамлакат — Бельгиянинг тадбиркорларини Ўзбекистонга янада кўпроқ жалб этиш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва бунга ҳар икки давлат ўртасидаги кафолат асосларини вужудга келтиришдир.

Суратда: Президент Ислом КАРИМОВнинг ЕИК президенти Жак Сантер билан мулоқоти пайти.
Рейтер сурати. («Жаҳон» ахборот агентлиги орқали олинди).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 21 декабрь ҳамда 1996 йил 26 августда тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси» қонунининг биринчи ва иккинчи қисмлари «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинди.

●Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида 13 ноябрь куни Ўзбекистон инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишга хорижий сармоялар жалб этишга бағишланган халқаро конференция иш бошлади.

●Қўҳна Хива ўзининг 2500 йиллик тўйига ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳарнинг Ичанқалъа мажмуидаги унлаб тарихий-меъморий обидалар таъмирланяпти.

●Тошкентда Словакиянинг дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган «Словакафарма» акционерлик жамияти фаолияти билан таништириш маросими бўлди. Бу корхона республикамизда ҳам иш бошлаётир.

●Парижда ҳунармандларнинг халқаро ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда «Бухоро зардўзи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам 20 турдан зиёд маҳсулотлари билан қатнашди.

●Афғонистонда генерал Абдурашид Дўстумнинг ҳарбий ҳаво кучлари Қобул шаҳрини бир неча кундан буён бомбардимон қилаяпти. Баграм шаҳридаги ҳарбий ҳаво кучлари истеҳкоми Раббоний тарафдорлари қўлига ўтиши муносабати билан бундай ҳужумлар сони ортиши мумкинлиги қайд этилмоқда.

●Ҳиндистон пойтахти Деҳли осмони узра содир бўлган фожиа бутун дунёни ларзага солди. Деҳли аэропортидан кўтарилган Саудия Арабистонига тегишли йўловчи самолётнинг Чимкент шаҳридан учиб бораётган юк тайёраси билан тўқнашиши оқибатида 350 дан ортиқ киши нобуд бўлди.

ЯШИЛ ДАФТАР ҲИКМАТИ

2—3 - БЕТЛАР

МАТБУОТ — МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲОКИМЛИКЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР, ЖАМҒАРМАЛАР ВА МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БАРЧА ОБУНАЧИЛАРГА

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар! Бизга ота-боболаримиз ҳавас ва орзу қилган мустақиллик замонида яшаш насиб этди. Истиқлол шарофати билан жонажон диёримиз дунёга танилди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бозор муносабатлари қарор топаётир.

Ижтимоий ҳаётимиздаги бундай оламшумул ўзгаришлар одамлар тафаккурида ҳам давом этмоқда. Бугун Ватан ҳар қачонгидан маърифатли, ҳар қачонгидан зиёли ва ҳар қачонгидан билимли фуқароларга эҳтиёж сезмоқда. Инсоний комиллик эса мамлакатда ва дунё миқёсида бохабарлик, воқифлик ва дахлдорлик қўлами билан белгиланади. Бохабар одам бошқаларга қараганда кўпроқ ютуққа эришади, ҳаётнинг олдинги марраларида юради.

Жамиятимизда кечаётган шиддатли янгиланиш палласида матбуотимиз ҳам янгича қиёфа, янгича мазмун касб этмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқида баён этилган матбуотни демократлаштиришга оид дастурий кўрсатмалар мустақиллик тонги ўзбек матбуоти тараққиётида муҳим босқич бўлиб қолишига ишончимиз комил! «Оммавий ахборот воситалари, — дейилади нутқда, — демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур».

Бугун ўзбек матбуоти ана шу катта йўлда дастлабки қадамларни қўймоқда. Яқин-яқингача Россия газеталарида эскириб улгурган ахборотлар, дунё янгиликлари икки-уч кун ўтиб миллий матбуот саҳифалари юзини кўрарди. Эндиликда муъжизакор «Интернет» халқаро ахборот тармоғидан ер юзининг исталган гўшасида содир бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабар зудлик билан қабул қилиб олинмоқда, пешма-пеш ахборот воситаларига узатилмоқда.

Азиз муштарийлар! Кафолат бериб айтамизки, газета ва журналларда сиз мухлислар кўнглини безовта қилаётган, сиз азизларни қизиқтираётган, матбуотимизнинг сиздек садоқатли мададкорлари излабистаб ўқийдиган, сизнинг кундалик ҳаётингизда, туриш-турмушингизда, касб-корингизда мадад бўладиган мавзудаги чиқишлар янада кўпаяди. Матбуот — сизларнинг чинакам минбарингиз бўлишдан манфаатдордир! Негаки, матбуот халқнинг юзи, халқ маънавий оламининг кўзгусидир!

Бу эзгу мақсадлар рўёбга чиқмоғи учун сизларнинг ўз севган газетангиз ва журналингизни обуна орқали қўллаб-қувватлашингиз ғоятда аҳамият касб этади.

Обуна мавсуми қизғин паллага кирди. Зеро, сизнинг саховатингиз, Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорлигингиз матбуотни қўллаб-қувватлашда, обуна билан боғлиқ тадбирларни кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтказишингизда ҳам намоён бўлишига ишончимиз комил!

Муҳтарам ҳокимлар!

Корхона ва ташкилотларнинг қадрли раҳбарлари!

Ҳурматли жамғармалар ва маҳаллалар раислари, ватанпарвар ишбилармонлар!

Биз сизларга мурожаат қиламиз!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чин дилдан бел боғлаган бўлсангиз, Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тезроқ жорий этишга кўмак берай десангиз, халқларимиз ўртасидаги ўзаро аҳиллик, миллий тотувлик ва осойишталик бундан буён ҳам барқарор бўлишига ҳисса қўшай десангиз, аҳоли барча қатламларини, хусусан, ёш авлодни шонли боболаримиз яратган меросга муносиб, соғлом, билимли, маданиятли, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига тилакдош бўлсангиз, газета ва журналларга фуқароларни якка тартибда ва жамоа бўлиб обуна бўлишлари учун моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланг!

Маърифат зиёси бўлмиш газета-журнал ҳар бир мактаб, олий ўқув юртлари, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари кутубхоналарига етиб боришини таъминлайлик!

Б. БОЙҚОБИЛОВ — «Мулоқот» журнали бош муҳаррири.
А. ЖУРАБОЕВ — «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари бош муҳаррири.
А. НИЁЗОВ — «Туркистон» газетаси бош муҳаррири.
Ш. НИЁЗОВ — «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири.
А. ОРТИҚОВ — Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи.
А. ПУКЕМОВ — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири.
Ҳ. САИДОВ — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири.
Қ. СЕЙДАНОВ — «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири.
АЗИМ СУЮН — «Узбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири.
О. ҲОЖИЕВА — «Саодат» журнали бош муҳаррири.

МММ ХАБАРЛАРИ XABARLARI

БИЗ ЯНГИ АЛИФБОДА ЁЗАМИЗ

Термиз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганиш ва ўргатишга катта эътибор бериляпти. Бу йил шаҳардаги барча мактабларнинг 1-синфига қатнаётган 2055 нафар, боғчалардаги 800 нафар ўғил-қизлар янги ўзбек алифбоси ўрганишаётир.

Бир гуруҳ ўқитувчилар республика малака ошириш институтида ўқиб келгач, шаҳар халқ таълими бўлими қошида янги ўзбек алифбосини ўрганиш бўйича 20 кунлик курс ташкил этилди. Шу кунгача мазкур курсда 130 нафар ўқитувчи ўз билимларини чуқурлаштирдилар.

ҚЎҚОННИНГ ЗУККОЛАРИ

Қўқон шаҳар марказий маданият уйи билан «Камолот» жамғармаси ҳамкорликда «Қувноқлар ва зукколар» қурик-танловини ўтказди. Танловда шаҳарнинг барча мактабларидан ўқувчилар иштирок этдилар. Беллашув шартига биноан Амир Темур ҳаётига оид савол-жавоблар, сардорлар баҳси бўлиб ўтди. Қурик-танловда шаҳардаги физика ва математикага ихтисослашган 32-ўрта мактаб ўқувчилари жамоаси ғолиб деб топилди. Ғолиблар ва фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

БИР ЙЎЛА УЧ ТИЛДА

Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон давлат дорилфунунида энди машғулотлар уч тилда олиб бориладиган бўлди. Боиси, дорилфунунда ўзбек ҳамда қозоқ тили адабиёти бўлимлари очилди. Ҳозир мазкур бўлимга Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидан тажрибали профессор-ўқитувчилар чорланмоқда.

МУАЛЛИФЛАР: У. АҲРОРОВ, М. КАРИМОВА, М. АҲМЕДОВ,

Янги турдаги таълим муассасаларида

ЎН БИР ЙЎНАЛИШДА ЧУҚУР БИЛИМ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ўтказилаётган мактаб ислоҳоти туфайли таълим тизимида янгиликлар кўпайиб, таълим-тарбия мазмуни бойиб бораётир. Жойларда янги турдаги таълим муассасалари сони кўпаяётгани кўзга яққол ташланмоқда. Мухбиримиз ана шундай таълим муассасаларидан бири— пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги Алишер Навоий номли 40-лицей-мактабида бўлиб, мактаб директори Баҳодир КАРИМОВдан зиё масканида фаолият кўрсатаётган лицей синфлари ҳамда янги ташкил этилган гимназия синфлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Мактабимизда 1991-92 ўқув йилидан бошлаб педагогика фанлари номзоди Турғун Азларов раҳбарлигида информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари йўналиши бўйича лицей синфлари очилди. Бунинг учун аввал дастур, режа ҳамда фойдаланиладиган адабиётлар жамланди. Кейинги 1992-93 ўқув йилида эса тил-адабиёт йўналиши бўйича лицей синфлари ташкил этилди ва тажрибасинов майдони сифатида битта синфда синаб кўрилди. 1993-94 ўқув йилидан эса тил-адабиёт икки йўналиш — ярим гуруҳ она тили-адабиёт, ярим гуруҳ рус тили-адабиёт бўйича ташкил этилди. 1995-96 ўқув йилида инглиз, тарих-география, химия-биология йўналишларидаги синфлар очилди. Т. Азларов бошчилигида 8,9,10-синфлар учун информатика ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича ўқитиш дастури ҳамда дарслик яратилди.

Ҳозир 1-10-синфларда фанларни информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларига боғлаб ўқитиш услублари устида иш олиб бормоқдамиз. Бунинг учун асосий восита — илм масканида беш комплект компьютер мавжуд.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда миллий банк ассоциацияси ҳомийлигида бу йил 9-банк (иқтисодий билимлар ва банк тизимини ўргатадиган) синфи ҳам ташкил қилинди. Мазкур синфда ўқувчиларга иқтисодий билимлар асослари: менежмент, муомала психологияси, ишчиларнинг ўз ишига муносабати сингари фан қўникмалари ўргатилаё-

(Давоми 2-бетда)

КАРИЕСНИНГ ЯНГИЧА ДАВОСИ

Эндиликда тиш кариесини пармалаб кетказишга ҳожат қолмайди, демоқда швециялик врач Дан Эрексон. Унинг ҳамкасби билан қилган ихтироси — суюқ дорининг томчиси ёрдамида кариес юмшатиб юборилгач, врачга уни артиб ташлашгина қолади. Дорининг таркиби сир тутилмоқда, ҳамда унинг амалда қўлланилишигача бирор йил кутишга тўғри келади.



INTERNET ХАБАРЛАРИ

ЧАНГДАН ҚОЧИНГ

Чақириғи аёллардан кўра кўпроқ эркакларга ёқиб тушиши аниқ. Сабаби маълум, бироқ бунинг илмий жиҳати ҳам бор экан. Тажриба учун олимлар 350 нафар эркак ва аёл қонини олиб текширдилар. Эркаклар қонида 35 аллергендан 33 тасига қўзғалган аллергия аёлларникидан бир ярим баробар кучлироқ бўлиб чиқди.

ТАДҚИҚОТЛАР

Ҳайдовчиларнинг хулқ-атворини ўрганган британиялик психологларнинг изланишларига қараганда, ҳайдовчининг сигналдан фойдаланиши унинг эҳтиросига боғлиқ. Масалан, италияликлар ҳар километрда, немислар эса ҳар 40 километрда бир бор сигнал берадилар. АҚШнинг Симон Фрейзер университетининг кўрсаткичларига кўра эса Лондонда ҳар соатда 21 марта, Нью-Йоркда эса 336 бор сигнал берилар экан.

ЗАМОНАВИЙ УСУЛ

АҚШдаги Кливленд университети мияни операция қилувчи бўлажак нейрохирург талабаларининг касб устаси бўлиш мақсадида фойдаланаётган нарсалари оддийгина... қовоқдир. Қовоқнинг қаттиқ пўстини замонавий асбоблар билан очиб, унинг уруғларини териб олишда маҳорат яхши ошар экан. Тажрибадан муваффақиятли ўтганларини эса амалда синовлар кутмоқда.

ЧЕКИ БОРМИ?

Дунёдаги дори маҳсулотларининг 7 фоизини, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сохта дорилар ташкил қилади. Улардан тушаётган фойда 16 миллиард долларга етади. Бу борада Италия, Греция ва Ҳаттоки, Осиёда ишлаб чиқарилган сохта дорилар қўлингизга Ғарбдаги «фалон давлатдан» деган ёзуви билан ҳам келиб тушиши мумкин экан.

Соғлом авлод учун

МАХСУС ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

(Тошкентга ЮНЕСКОнинг халқаро экспертлари ташриф буюрди).

Маълумотларга қараганда, ҳозир Узбекистонда 17 минг нафар соғлигида турли хил нуқсонлари бўлган болалар ҳисобда турадилар. Улар 75 та махсус таълим муассасаларига жалб қилинган. Айтиш мумкинки, турли сабабларга кўра ёрдамга муҳтож бўлиб қолган бундай болалар доимо ғамхўрлик қуршовидадир. Уларнинг уксик дилларига ҳаётсеварлик уруғини қадаш қанчалик мураккаб бўлиб туюлмасин, энг муҳими, бундай болаликни асраш дунё миқёсида инсоний қадриятга айланган.

Тошкентда махсус таълимни такомиллаштиришга бағишланган ўн кунлик семинар иш бошлади. ЮНЕСКОнинг халқаро экспертлари, яъни тажриба олиб борувчилари иштирокидаги бу семинар қатнашчиларини муштарак қилиб турган ҳолат — бу ёрдамга муҳтож болаликнинг халоскорлари борлигидир. Бироқ, барибир, бу соҳада узгаришлар ясаш, жаҳондаги ривожланган давлатларнинг ўзимизга мос жиҳатларини ўрганиш ва тадбиқ этиш керак.

Семинарни республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Японияннинг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Коижо Абатога сўз берилди. Нотиқ Узбекистоннинг Япония билан халқ таълими, жумладан, махсус таълим соҳасида олиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига тўхталди. ЮНЕСКОнинг халқаро координатори Барри Лайн ҳам сўзга чиқди.

Семинарда Республика халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Ж. Ғ. Йўлдошев «Узбекистон Республикасининг мустақиллик даврларида халқ таълимининг ривожланиши» тўғрисида

(Давоми 2-бетда)

Қарор ва ижро

ДАВР АМРИ БИЛАН...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жойларда «Бизнес мактаблари»ни ташкил этиш хусусидаги 296-сонли қарори Сурхондарё вилоятида ҳам кўнгилдагидек амалга оширилаётир. Шу хусусда Қумқўрғон тумани ҳокими Абдулла Мавлонов қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Юртимизнинг эртанги порлоқ куни ёшларимизнинг илм савияси ва қай даражада тарбияланганлигига боғлиқ. Ёшларимизни айни кунда фан асосларидан чуқур билим олишлари қанчалик муҳим бўлса, иккинчи томондан, уларнинг касб-ҳунар ўрганишлари ҳам шунчалик муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жойларда «бизнес мактаблари»ни ташкил этиш ҳақидаги қарорининг чиқиши бу борада айни муддао бўлди. Мазкур қарор эълон қилингач, Қумқўрғон тумани ҳокимлиги Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси билан маслаҳатлашган ҳолда туманимизда фаолият кўрсатиб келаётган 14-ҳунар билим юртини Қумқўрғон бизнес мактабига айлантиришни белгилади. Бизнес мактабини ташкил этиш, маънавий ва молиявий жиҳатлардан қўллаб-қувватлашни туман ҳокимлиги ўз зиммасига олди. Махсус гуруҳ тузилиб, туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Марзия Исмоилова гуруҳга раҳбар этиб тайинланди.

Бирор янгилик ҳеч қачон қийинчиликларсиз ўз-ўзидан кундалик ҳаётимизга кириб келмайди. Қайси бир соҳанинг ичига қанчалик чуқурроқ кириб бораверсангиз, шунчалик даражада кўпроқ камчилик ва муаммолар келиб чиқаверади. Бизнес мактабини ташкил этишда бош муаммо ўқув ва машғулот хоналарини бугунги талабларга мослаштириш бўлди. Туман ҳокимлиги ички имкониятлардан фойдаланиб, бизнес мактаби учун 1995 йилнинг ўзидаёқ маълум шарт-шароитларга эга бўлган замонавий бинони талаблар даражасида жиҳозлаб берди. Эндиликда янги касб-ҳунар мактабимизда 502 нафар ёшларга 59 нафар устоз сабоқ бермоқда.

Маҳаллий талабларни ҳисобга олган ҳолда бизнес мактабида тадбиркорлик, менежерлик, ЭҲМ оператори ва кичик ҳисобчилик, телерадио ва электр жиҳозлари устаси, тўқимачилик ва тикувчилик, миллий халқ ҳунармандчилиги гуруҳларини очдик. Шу кунларда ёшларимизнинг олдида турган асосий вазифа компьютер илмини мукаммал ўрганишдир. Бизнес мактабида ҳам ёшларга компьютер илмининг ўргатилишини туман ҳокимлиги ўз ҳомийлигига олган.

Ҳар бир идораю муассаса ўз-ўзини иқтисодий бошқариши давримизнинг олтин қоидасига айланиб бораётир. Шу боис туман ҳокимлиги бизнес мактаби ихтиёрига суғориладиган, ҳосилдор майдондан 40 гектар ер ажратиб берди. «Бизнесчилар» шу йилнинг ўзидаёқ 25 гектар майдонда пахта, 15 гектар майдонда полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштирдилар. Мактаб жамоаси 62 минг туп калифорния тераги ва 5 минг тупга яқин атиргул ниҳолларини экиб, парваришлаяпти.

Туман ҳокимлиги «бизнес мактаби» учун 200 ўринли тўқимачилик ва тикувчилик цехини қуриб беришга ваъда берган. Бу ишни Сурхон қурилиш трести қурувчилари амалга оширмоқдалар. Тез орада ушбу иншоот ҳам тўлиқ жиҳозланган ҳолда «бизнес мактаби» ихтиёрига топширилади.

Қумқўрғон бизнес мактабида ўқув-тарбия, касб-кор, спорт ва соғломлаштириш, маънавий ва мафкуравий, умуман олганда барча соҳаларда талаблар даражасидаги ишлар амалга оширилмоқда, деб айтиш мумкин. Бу борада бизнес мактаби директори Ўроқ Мардонақулов ва Соатмўмин Худойқулов, Эргаш Бобоқулов, Мусурмон Абдиқодиров, Муҳаббат Ҳайитова, Бахтиёр Эшматов каби ўнлаб фидойи устозларимизнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Суҳбатни Абдували ОБИДДИНОВ ёзиб олди.

ЎН БИР ЙЎНАЛИШДА ЧУҚУР БИЛИМ

(Боши 1-бетда)

тир.

Шунингдек, чет тилини информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанига боғлаб ўқитишга катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг 24 сентябридан бошлаб мактабимиз фанларни информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанига боғлаб ўқитиш учун гимназия мақомини олди. Ўқувчиларга ўн йилда ўн бир йўналишдаги фанлардан чуқур билим бериш режалаштирилган.

Мактабда мавжуд имкониятларни таъминлаш учун моддий базамиз етарли ва келажакда бу базани кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Билим масканида яна бир янгилик — бошланғич синфларда ҳам мазкур «интенсив» синфлар жорий этилди, яъни бир ўқув йилида икки синфни тугатиш. 6-»А» синф ўқувчилари аслида бу йил 4-синфда бўлишлари керак эди. Мазкур ўқув йилида 1-«интенсив» синфдаги 30 ўқувчидан 23 нафари I чорак якунига кўра талабга жавоб берадиган даражада дастурни узлаштирди. Улар II чоракда 2-синф ҳажмида таҳсил оладилар.

Мактабимиздаги фанлар бўйича таълим сифатидаги туб ўзгаришлар битирувчиларимиз билимида ҳам яққол намоён бўлаётир. Жумладан, математика йўналиши бўйича ҳар ўқув йилида битирувчилардан ҳеч бўлмаганда бир ўқувчимиз Тошкент Давлат университетининг амалий математика факультетига ўқишга кираётир. Ҳозир уларнинг сони 12 нафарга етди. Қалдиргочларимиздан Зиёвиддин Умаров бу йил ўқишни битириб, олий маълумотга эга булади. 1995-96 ўқув йилида эса А. Азларов, Ш. Юнусова, А. Носиров, Н. Каримовларга ҳам амалий математика факультети талабаси бўлиш насиб этди. Амалга оширилаётган тадбирларнинг натижаси педагогик жамоамизни янада руҳлантираётир.

Бугунги кунда ўқувчиларни замон талаблари асосида ўқитишда Маъмура Исмоилова, Тамара Володина, Феруза Халилова, Хуршида Азларова, Раъно Толибжонова сингари олийҳиммат зиёкорларимизнинг улушлари катта бўлаяпти, деб айтя оламан.

Ҳа, билим учоғида вояга етиб камол топаётган фарзандларимиз мустақил диёримиз келажагини бунёд этиш, маънавиятини юксалтириш борасида муносиб ҳисса қўшсалар, биз — педагоглар ўзимизни бахтли деб ҳис қиламиз.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

Гулнора Шукурова Қарши шаҳридаги 29-урта мактабда болаларга расм илмидан сабоқ беради ҳамда ушбу мактабдаги «Моҳир қўллар» тўгарагини бошқаради. Муаллима айни пайтда ўз фарзандларини ҳам бир дам эътиборсиз қолдирмайди, уларни маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилади. Суратда Г. Шукурова қизи Дилоромга сурат тавсифини айтиб бермоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ҳамкорлик

«МАҚСАДИМИЗ—ИЛМ ТАРҚАТИШ»

«Айрекс» — 1968 йил ташкил этилган. Бу ташкилотнинг Вашингтондаги президенти жаноб Даниэл Матушевский. Тошкентдаги офис раҳбари Роксана Баннел хоним. Бизнинг суҳбатдошимиз эса ана шу ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси маслаҳатчиси Азиз Жўраев.

— Азиз ака, нима учун ташкилот «Айрекс» деб номланади. Унинг вазифалари нималардан иборат?

— «Айрекс» Узбекистонда янги ташкилот. Тўғрироғи, 1992 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Аслида эса ташкилотимиз 25 йилдан ортиқ фаолиятга эга. «Айрекс» инглизча қисқартма сўз бўлиб, Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айирбошлаш кенгаши маъносини англатади.

— Кечирасиз, «Айрекс» фақат олимларнинг ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашади холосми?

— Йўқ, ҳозирда ташкилотимизнинг фаолияти бирмунча кенгайган. Яъни талабаларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам АҚШга боришига ва у ерда тажриба орттиришига ёрдам кўрсатади. Биз уларни моддий томондан таъминлаймиз, холос. АҚШга борган киши инглиз тилини билмаса, қийинчиликка учраши табиий, чунки таржимон билан таъминлаймиз.

— Маблағ масаласида ташкилотга давлат асосий ҳомий ҳисобланадими?

— Йўқ, бизга йирик компаниялар хайрия тарзида маблағ ажратишади. Яна «Айрекс» давлат ташкилоти ҳам, тижорат ташкилоти ҳам эмас.

— Шу ерда савол туғилади. Бундан, яъни бошқа мамлакатлар олимларини АҚШга юборишдан ташкилот қандай манфаат кўради?

— Асосийси, ташкилотимизнинг вазифаси илм тарқатиш. Бизнинг фаолиятимиздан ҳеч қандай иқтисодий манфаат кўзланмайди. Бу ердан Америкага олим, талаба, ўқувчиларни юборсак, ўз навбатида у ердан ҳам Ўзбекистонга маълум гуруҳ кишилар келишади. Бу ҳам дўстлик ришталарини, ҳам илмни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

— Ўзбекистондан ташқари яна қайси давлатларда «Айрекс»нинг ваколатхоналари очилган?

— Прагадан то Владивостокгача, дейишимиз мумкин. Аниқроғи, Марказий ва Шарқий Овруп, Монголия, МДҲ давлатларида «Айрекс» ваколатхоналари шу кунларда иш олиб бормоқда.

— Ўзбекистонда шу кунгача «Айрекс» нима ишларни амалга оширди?

— Биргина 1994-95 йиллар давомида 30 дан ортиқ ўзбекистонликларни АҚШга юбордик. Уларнинг орасида Олий Мажлис депутатлари ҳам бор.

— АҚШга бораётганлар ўша ерда қолиб иш юритиши ҳам мумкинми?

— Йўқ. Албатта Ўзбекистонга қайтиб келиб, бу ердаги меҳнат жараёнида фаол иштирок этишлари керак.

— Азиз ака, «Айрекс»нинг маслаҳатчиси сифатида, АҚШга боришни хоҳлаган газетхонларимизга ҳам тилакларингизни билдирсангиз.

— Энг асосийси ёшларимиз тилни яхши билишсин. Очиқ айтишим керак, ўзбекистонлик йигит-қизлар АҚШ ёшларига нисбатан анча қобилиятли. Интилиш бўлса бас, улар кўп нарсага қодир.

Суҳбатдош: Хайрулло АБДУРАҲМОН.

ГЕОГРАФИЯ — ХАЗИНАЛАРНИ ОЧИШ КАЛИТИДИР

Жонажон Узбекистонимиз беҳисоб ер ости қазилма бойликларга, жумладан олтин, кумуш, кўплаб рангли, нодир, қимматбаҳо металларга, нефть ва газ конларига, энг қимматбаҳо стратегик хомашё булган уран ҳамда юзлаб бошқа минерал ресурсларга эга булган буюк давлатдир. Президентимиз И. Каримов «Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир яхши ниятли инсон буларни билиб, тўғри баҳо бериб, ана шу, бизга куч-қувват бағишлаётган бойликларимизни асраб-авайлаб, абадий сақлаш учун барча кучини, бутун борлиғини бағишлаши ҳам қарз, ҳам фарздир», деган эдилар.

Юртбошимизнинг айтган бу дил сўзлари, республикамизда яшаётган ҳар бир яхши ниятли инсонларни, Она-еримизга булган чексиз меҳр-муҳаббатини, садоқатини янада оширади ва унинг бағрида жойлашган қазилма бойликлардан халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш йўлида оқилона, асраб-авайлаб, тежамкорлик билан фойдаланишга даъват этади.

Дарҳақиқат, Она-Ватанимизнинг ҳар бир қаричи биз учун тенгсиз бойлик ва қуч-қудрат манбаидир. Она заминимиз қатламлари орасида яшириниб ётган фойдали қазилма бойликларининг тарқалиш ва тақсимланиш қонуниятларини ҳозирги замон фан-техника ютуқлари асосида ўрганиш ва аниқлаш келажагимиз эгалари бўлмиш ҳурматли ўқувчиларнинг энг муқаддас вазифасидир.

Биз кекса авлодлар олдида эса маҳаллий кадрлардан геологлар, геофизиклар, тоғ инженерлари, географлар, маркшейдерлар, технологлар тайёрлашдек муҳим ҳамда масъулиятли вазифа кўндаланг булиб турибди. Бу улуғвор вазифани ҳал қилиш болаларни Она-еримизга, халқимизга, Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдан бошланмоғи лозим.

Шу мақсадда Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган Ҳамидулла Ҳасанов номидаги 126-урта мактабда география ва геология фанлари бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида махсус синф ташкил этилди. Мактаб директори, география фани ўқитувчиси, ўз фанининг фидойиси А. Каримов раҳбарлигида бу синфга 9-синфни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан битирган, ер ҳақидаги фанларга қизиқувчи, фойдали қазилма конларининг тарқалиш ва тақсимланиш қонуниятларини ўрганишга интилувчи, иқтидорли ўқувчилардан 25 нафари тест асосида қабул қилинди. Бу синф Тошкент давлат университетининг геология ва география факультетлари ҳамкорлигида ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда ушбу факультетларнинг профессор-ўқитувчиларидан О. Қушмуродов, Т. Мирзаалиевлар лицей синф ўқувчиларига геология ва топография фанлари бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида дарс бермоқдалар. Амалиёт соҳасида эса, лицей синф ўқувчиларига Олмалиқ шаҳрида жойлашган «Қаулди» олтин қазиб чиқариш кони раҳбарияти, хусусан, директор Х. Ризаев, бош инженер П. Полкова ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги комплексли геология-қидирув экспедицияси бошлиғи С. Аҳмедов, бош геолог Р. Жаббоpовлар катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Лицей синфни очишда бизга туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбарияти жуда катта амалий ёрдам бердилар ва ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Бу эзгу ишга бош-қош бўлганларга ўзимизнинг чексиз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Уни ривожлантириш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

Манноб ҒАФУРОВ, геология-минералогия фанлари номзоди, геология-қидирув аълочиси.

МАХСУС ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

(Боши1-бетда)

маърузасида Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган давлатлар билан урнатаётган алоқаларига ҳам тухталди. Шунингдек, у махсус таълим бўйича муаммолар хусусида гапириб, қилиниши лозим булган ишлар хусусида батафсил гапирди.

Ижтимоий таъминот вазири Б. Умрзоқов «Соғлигида камчиликлари бўлган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш масалалари», соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Ёрқулов «Республикамизда она ва боланинг соғлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи», «Қизил ярим ой» жамияти раиси, тиббиёт фанлари номзоди У. Воҳидова «Соғлигида нуқсони бор болаларга қўрсатилаётган ёрдамлар тўғрисида» сузлаб, семинар иштирокчиларини бу соҳада олиб борилаётган ишлардан огоҳ этдилар. Таиланд, Янги Зелландия, Ҳиндистон давлатларидан ташриф буюрган экспертларга эса таржимонлар хизмат қилишди. Танаффуслдан сунг, қисқа ва лунда маърузалар давом этди. Маърузачи-мутахассислар махсус таълимнинг маълум объектида олиб борилаётган ишлар ҳақида таҳлилий маълумотлар бердилар. Бу маърузалар, албатта, шунчаки қайд қилиб қўйиш учун ўқилмади. Бугунги аҳволни қониқарли дейиш ҳам, демаслик ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, махсус таълим муассасаларининг ички.ҳаётига жаҳон педагогикасининг илғор, ижобий усуллари олиб кирилиши керак. Ёрдамга муҳтож болаларга жамиятнинг оғриқли нуқтаси деб қараш билан биргаликда, уларни ҳимоялаш, мумкин қадар соғломлаштириш, ҳаётга тайёрлаш зарурлиги аёндир.

ЮНЕСКОнинг халқаро экспертлари биздаги ишларни ўрганишиб, ўз юртларидаги тажрибалардан ҳавола этишмоқчи. Ниятлар холис, мақсадлар мушгарак, демак, улар билан биргаликда ишлаш мумкин. Семинар иштирокчилари бир қанча шўъбаларга булинишиб, белгиланган тартибда ўз ишларини давом эттиришаяпти.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Чеҳрасидан нур ёғилиб турган, хушфеъл, ширинсухан бу таниқли мураббийни, эҳтимол, сиз ҳам яхши биларсиз. У мактабшунос олим, педагогика фанлари номзоди, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳикматулла Абдуллаевдир. Бутун умрини халқ таълими ишига бахшида этиб келаётган бу тажрибали маорифчи таълим-тарбия ишининг деярли барча босқичларида (бошланғич таълим ўқитувчиси, узбек тили ва адабиёти муаллими, туман маориф бўлимида методист, Узбекистон Маориф вазирлигида инспектор вазифаларида) муваффақиятли фаолият кўрсатиб, обрў-эътибор қозонган, самарали меҳнати учун муносиб тақдирланган. Ҳикматулла ака 1973 йилдан А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида мактабшунослик кабинети — кафедраси мудири вазифасида кўп йиллар давомида ишлаган. У ҳозир шахсий нафақахўр бўлишига қарамай таълим муассасаларида тез-тез бўлиб туради, ўз маслаҳатлари билан мактаб ислоҳотини амалга оширишга кўмаклашади, муаллимларни ташаббускорликка, янгилик излашга ундайди.

Ҳикматулла ака билан суҳбатлашгудек бўлсангиз, у кишининг таълим-тарбия ишидаги ҳикматларидан олам-олам янгилик кашф этгандек бўласиз. «Меҳнат фаолиятим давомида ўқитувчиларнинг икки ярим мингдан ортиқ дарсини кузатганман, — дейди у. — Таҳлиллар жараёнида ўқитувчиларга хос яхши фазилатларни ўрганиб, хулосаларимни «Яшил дафтар»имга қайд этганман».

«Яшил дафтар» билан қизиқдим. Муаллиф рухсати билан варақладим. Сатрларга кўз югуртирсам бир олам ҳикматга дуч келдим. Устоз Ҳикмат Абдуллаевнинг рухсати билан дафтардаги айрим саҳифаларни оққа кўчириб олдим. «Яшил дафтар» ҳикматлари билан Сиз ҳам танишинг деган тилак туғилди менда. Зотан, ҳикмат — бу хазина, амалиётда эса эзгулик элчисидир.

ЯШИЛ ДАФТАР

ЎҚИТУВЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ХОС ФАЗИЛАТЛАР

1. МУАЛЛИМЛИК НЕГА МЎЪТАБАР ВА ШАРАФЛИ КАСБ?

Ўқитувчи ёшлик гулшанининг раҳнамоси, инсон боласи тафаккурининг муҳандиси. У ўғил-қизларга илм нурини берувчи, уларнинг ахлоқ-одобини тарбияловчи, инсонларнинг келажак ҳаёти учун маънавий бойлик ва боғу бўстон яратувчидир.

Муаллим педагогика, психология ва ўз мутахассислиги фанларини пухта эгаллаган бўлиши билан бирга ўз-ўзини англаш, ўз халқининг тарихини, илмий-маданий бойликларини ўрганиш, шарқона тарбия анъаналари, урф-одатлар, удумларни билмоғи керак. У буларнинг ҳаммасини ҳаётга татбиқ этувчидир.

Ёш авлодни иймон-эътиқодли, нозик дилли, фаросатли, одоб-ахлоқли қилиб тарбияловчи касб эгаси бу муаллимлир. У таълим-тарбия ишини мажбурий эмас, ихтиёрий равишда бажарувчи, «болаларни ўқитиш — эҳтиёжим» деб, давлат ва халқ олдидаги бурчини чуқур ҳис этгувчи шахсдир.

Ўқитувчининг обрули, эъзозли касб эгаси бўлиши фақат унинг ўзига боғлиқ. У ҳалол меҳнати билан бахтга эришади. Абдураҳмон Жомий айтганидек:

Бир иш қилғилки, ундан элга етсин манфаат,

Охирида у ишинг сенга келтирсин роҳат.

2. ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИНИНГ ҚИЙИН, НОЗИК ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ТОМОНЛАРИ

Ўқитувчи бола билан ишлайди. Шу боис у ҳар бир боланинг болалигини тушунмоғи, ҳар бирининг руҳий ҳолатини, шахсий хусусиятларини (характерини), орзу-истакларини, нималарга қизиқишини, яхшиёмон хулқини билмоғи зарур. Бинобарин, болани севмоғи, ардоқламоғи, керак вақтида эркаламоғи ҳам лозим. Муаллим бола учун маънавий ота ёки онадир. Шунинг учун ҳам у, иложи бўлса, болани «сиз» дегани фойдалидир.

Ўқитувчи, аввало, асабини, демакки соғлигини асрай билиши керак. Дарсга айрим ўқувчиларнинг қизиқмаслиги, хархашаси, думоғ-пуроғи, жаҳлдорқайсарлиги, дарсда одоб билан ўтирмаслиги, ўқув қуролларининг йўқлиги ҳам ўқитувчининг асабига тегади, ранжитади. Шу боис ўқитувчи иродали, сабр-тоқатли, чидамли, ҳар бир ўқувчининг қунглига йўл топадиган, одамларга меҳрибон бўлиши лозим. Унинг ишидан, сўзидан ҳеч ким озор топмаслиги керак.

Ўқитувчиликнинг ўта масъулиятли касблиги шундаки, бу касбнинг обруси тушмаслиги учун у доим ўқийди, билимини ва малакасини ошириб боради. Ижодий изланади, қобилият ва маҳоратини такомиллаштиради, илғор педагогик тажрибаларни ўрганади, уни ҳаётга татбиқ этади. Шу аснода у ўз фанига (ихтисосига) тегишли ўқув режалари, ўқув дастури, дарслик ва методик қўлланмаларни пухта билади, ўрганади.

Ўқитувчи, дарс бериш пухта тайёрланади, дарс режасини тузади, уни мазмунли, талаблар асосида ўтказишга ўзида масъулиятни чуқур ҳис қилади. Муаллимнинг пухта тайёргарлик кўрмай дарсга кириши, унинг ўзига ҳам, ўқувчиларга ҳам ҳурматсизлигидир. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб ёзганидек:

Билимли билади билим ҳурматин,

Билимсиз не билгай билим қийматин.

3. МУАЛЛИМ ИЧКИ ДУНЁСИ, МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ҚИЁФАСИ

Муаллимнинг юксак сифати унинг ақли, илми, фикри, сўзи, ахлоқу одобидадир. Юз қарашлари ҳам, гапиришлари ҳам, қалби ҳам, кўриниши ҳам, юриш-туриши ҳам, кийиниши ҳам чиройли ва ибрат намунаси бўлсин. Айниқса, унинг нутқи тушунарли, равон, таъсирли бўлиши даркор. У мулоқотда бамисоли сўз заргари эканлигини кўрсата олиши муҳимдир. Шунга эришиш керакки, одамлар, айниқса, ота-оналар ва ўқувчилар уни ростгўй, ҳалол, пок, соғлом фикрли, шафқатли ва мурувватли, инсонпарвар инсон сифатида эътироф этсинлар.

Ўқитувчи «Соғлом авлод учун» курашчи, бор билими ва тажрибасини таълим-тарбия ишига бағишлаган, ўз қадрини, ўз ҳурмати, ўз обрусини сақлайдиган инсон. Шу важдан унинг учун вақт олтиндан, дуру-гавҳардан қимматлидир. У ҳар бир дақиқа вақтни ҳисобга олувчи, бажарадиган ишини тўғри тақсимлайдиган, дарсга тайёрланишни, дарс ўтказишни мазмунли режалаштирадиган, мактабнинг умумий қўшимча топшириқларини тез ва сифатли бажарадиган ҳамда вақтида овқатланиш, вақтида дам олишни яхши биладиган интизомли шахсдир. Буюк донишмандлар ёзганидек:

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,

Билим кимда бўлса, буюклик бўлар.

4. ҚОБИЛИЯТ ВА МУАЛЛИМ

Қобилият бу имконият. У шахс фаолитини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланади. Бу шарт аслида зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда намоён бўладиган индивидуал руҳий хусусиятдир. Ана шу хусусиятлар педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларга меҳр-муҳаббат, уларга нисбатан адолатли талабчанликда, ўқувчиларнинг дарсга бўлган диққати, эътиқоди, фанга ва ўқитувчига бўлган ҳурматида кўриниб туради.

Юксак қобилиятли бўлган ўқитувчининг маҳорати ҳам юксак бўлади. Маҳорат ўқитувчининг иш фаолиятида қўлланадиган ноёб санъатдир. Ўқитувчининг равон нутқи, сўзлар ва товуш оҳангининг маъносига қараб баланд-пастлиги, оҳанг таъсирчанлиги, артистик ҳолати, ўтилаётган мавзу бўйича муаллим гапларининг маъноҳорлиги, тушунарлилиги, ўқитувчининг ёқимли кўз қарашлари — буларнинг ҳамма-ҳаммаси маҳорат белгисидир. Масалан, ўқитувчи дарс бошлашнинг биринчи дақиқасида:

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,

Бўлар ҳар қайсиси вақтида даркор, —

сатрларини ёддан ўқиб, бир дақиқа ёқимли табассум билан ўқувчиларга қараб турса, ҳар қайси ўқувчи шеър ҳақида мустақил фикр юритади, агар адабиёт дарси бўлса, «Фурқат ижодини ўрганар эканмиз» деган хулосага келади.

5. ЎҚИТУВЧИ ЎҚУВЧИНИ ЖАЗОЛАШИ МУМКИНМИ, ТАНБЕҲ БЕРИШ-ЧИ?

Ўқувчини жазоламасликка ҳаракат қилиш фойдалидир. Бироқ ўғил-қизларни ёмон хулқатвори учун огоҳлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, танбеҳ бериш, қизартириш мумкин. Ўқувчи дарсдан кечикса, уни машғулотга киритиб, дарсдан сунг сабабини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бола болада, у ухлаб қолиши, ойласида бирон ҳодиса юз бериши, йўл ҳаракатида бирор тўсиқ бўлиши мумкин. Ўқишга қизиққан, муаллимни ҳурмат қилган ўқувчи дарсга атайин кечикмайди.

Ўқувчиларга нисбатан «қаттиққўл» бўлиш, баджаҳллик, қойиб туриш, жеркиш, уларни камситиш, дўқ уриш, «одам бўлмайсан», «ҳали мактабни битиришингни ўйла» каби гапларни ишлатиш, дафтарини йиртиш, китобини отиб юбориш, ўқувчини бурчакка турғазиб қўйиш педагогик ношудлик ва қўпол хатоликдир. Бундай ҳол ўқувчининг руҳига салбий таъсир этади, ўқишга ҳаваси, эътиқоди суна бошлайди, ўқитувчининг обрусига путур етказади, ҳатто ўқувчида нафратланиш ҳиссини пайдо қилади.

Муаллимга манманлик, кибру-ҳаво, мақтанчоқлик, такаббурлик, кишиларни менсимаслик, узига ҳаддан ташқари зеб бермоқлик ярашмайди. Одамларни ғийбат қилувчи, дилида кек сақловчи, аразчи, яхшиликни қўролмайдиган, ғаразгўй, кишилар ютуғини менсимайдиган, ўзига «мен» деб баҳо берувчи киши ҳеч қачон ўқитувчи бўлолмайди.

6. ЎҚИТУВЧИНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚИШИ, МУТОЛАА ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Мустақил ўқиш фикран янгиланиш, ақлан бойишдир. Шу боис муаллим нафақат ўқувчиларнинг, балки ҳамкасблари, таниш ёки нотаниш кишиларнинг ҳар қандай саволларига жавоб бериш-

Юксак унвон соҳиблари

ЯХШИЛИК УРУҒИ

Инсон нимагадир талпиниб, ниманидир ўзига мақсад қилиб яшайди. Аммо тақдирнинг баъзан тор, баъзан кенг кучаларидан ўтаётганда ҳаёт карвонидаги айрим ҳамроҳ ва йўлдошлар берган беминнат ёрдам ва меҳр-муҳаббатлари туфайли киши кўзлаган мақсадининг моҳияти ўзгариши мумкин экан.

Мунаввара ФАЙЗИЕВА ўрта мактабни кумуш медал билан битиргач, ўзи кўнглида тукканидек врач ёхуд юрист бўлмоқчи эди. Аммо мактабда немис тили ўқитувчиси Жаббор Сатторов берган кучли билим, фанга қизиқтириш уни ўзига ром қилиб олди. Мунаввара аввалги фикридан қайтди. Энди у шифокор эмас, балки руҳ тарбиячиси — муаллим бўлишга қатъий қарор қилди. Бу ўринда муаллим ўқувчини ўз фанига қизиқтира олиш қобилиятининг зўрлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Мана бир неча йилдирки, Мунаввара Вобкент туманидаги Муқимий номли ўрта мактабда ёшларга немис тили фанидан сабоқ бериб келмоқда.

— Болаларни юракдан яхши кўраман, — дейди биз билан суҳбатда Мунаввара опа. — Баъзида улар билан дарслардан сўнг қолиб, яккама-якка шуғулланганимда уйимдаги қиладиган юмушларим ҳам ёдимдан кўтарилиб кетарди.

Дарҳақиқат, мактабда немис тили фанига берилган чуқур эътибор туфайли унда таълим олган ўқувчилар ҳар йили фан олимпиадаларида қатнашиб, вилоятда биринчи ўринни, республикада эса фахрли ўринларни олиб қайтишмоқда. Масалан, 1994-95 ўқув йилида ўқувчи Журабек Султонов вилоят олимпиадасида биринчи, республикада 4-ўринни эгаллаб, бир ой мобайнида Германияда таълим олиб қайтди. Ҳозир у пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқияпти.

Мактабдаги қатор фан хоналари билан биргаликда немис тили хонаси ҳам дид билан ораста безатилган, тоза, озода. Фан хонасида Германиянинг Узбекистондаги элчихонаси вакили жаноб Волфганг Кайнц томонидан мактабга ёрдам тариқасида берилган юздан ортиқ ўқув қуроллари ва қўлланмалар сақланяпти.

Мунаввара опанинг иш тажрибалари нафақат туманда, балки вилоятда ҳам қадрланяпти ва қўлланилмоқда. Утган йилда у киши яратган «Пратон-1 электр синов асбоби» вилоятда биринчи ўринни олди. Ижодкор муаллима билан қилган суҳбатимиздан аниқ бўлишича, шу кунларда у киши ўқувчилар билимини тест ва рейтинг усули билан аниқлаш масаласида иш олиб боряптилар. 5-синфлар учун тайёрлаётган ихчам қўлланмалари ҳам яқин келажакда нашрдан чиқади.

Мунаввара опанинг маҳалла-кўй ибрат олса арзийдиган оилалари бор. Умр йўлдошлари Наби Султонов туманда кўзга кўринган фармацевт. У кишининг маорифга бўлган муносабатлари, ўқитувчи меҳнатини юракдан тушуниб етишлари, менимча, аёллари эришаётган муваффақиятлар гарови бўлса керак. Уч фарзандлари: икки қиз, бир ўғли бор. Катта қизлари она изидан бориб мактабда муаллимлик қиляпти. Кичиги эса ота касбига меҳр қўйиб, тиббиёт институтида таҳсил олмоқда. Ўғиллари Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси. Хулласи, соф илм-маърифат йўлини танлаган оиланинг келажакдаги умид-ишончлари катта.

Мунаввара опа яқинда республикамиз бир гуруҳ маорифчилари қатори юксак мукофот — «Узбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони билан тақдирландилар. Филойи муаллима бугун ана шу унвон, халқ ва ҳукумат ишончини оқлаш мақсадида ёнибқуйиб, янада янгича куч билан меҳнат қилмоқда.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Маънавиятимиз сарчашмалари

«ҲАР НЕ ҚИЛСАНГ, ОШИҚ ҚИЛҒИЛ, ПАРВАРДИГОР!»

Мазкур илтижо маънавий султон, туркий тилдаги маърифий адабиётнинг пешволаридан бири Хожа Аҳмад Яссавийнинг қалб нидосидир. Тафаккур дунёсининг буюк алломалари, жумладан, Туркистонда мангу Ватан топган улуғ руҳий арбоб ҳам ишқни ҳаётнинг мояси, ҳаракатлантирувчи кучи деб биларди. Келинг, унинг юрак туғёнига қулоқ тутайлик:

Ишқ дардини талаб
қилдим, дармони йўқ,
Ишқ йўлида жон
берганнинг армони йўқ,
Бу йўлларда жон бермаса
имкони йўқ,
Ҳар не қилсанг, ошиқ
қилғил, парвардигор!

Ишқ — инсон умрининг мазмуни. Яшашдан кузатилган бош мақсад ва моҳият унинг мағзида мужассам. Ишқ — илоҳий неъмат. Уни қадрламаслик, маъносига етмаслик ўзини, умрини ерга уриш ва қадрламаслик билан баробар. Ишқсиз ўтган лаҳза — зим-зиё зулмат қаърида алаҳсираштдай гап. Ишқ ўз дарду изтироблари, армону машаққатлари билан лаззатли. Ушалар туфайли ишқ мақоми баланд, муўтабар. Дардсиз ишқ — ҳаловатсиз турмуш билан тенг. Бундай ҳолда у ўзининг илоҳий муъжизавий қудратини йўқотади, бетайин кимсалар учун кўнгил овунчоғи, кунлик эрмаги, ҳирсу ҳавасни қондириш воситасига айланади. Бундай ишқ бемаҳал сўлган япроқдек, ҳаёт билан эрта видолашади. Чинакам ишқ сидқу садоқат, журъату жасорат, ранжу меҳнат, шижоат, фидойилик каби комил инсонга хос олижаноб фазилатлар билан эш яшайди. Жавҳари бор бундай ишқнинг Ватани — мардларнинг юрак мулки. Аҳду вафо, поклигу ростлик шеваси бўлган ишқнинг тил учида «сакраб» юриши нораво. Сўзда ифодаланиши ёлғон билан ҳамнафас. Рост ишқ қалб тубида «яшаши», ширин азоблар исканжасида, самимият, назокат, шарқона иффат, ҳаёо ибо пардасида жамол кўрсатмоғи муносиб. Айтилганлар Пири Комилнинг кўнгил дафтаридан айрим битиклар — лавҳалардир.

Ишқ бозори улуғ бозор,
савдо ҳаром,
Ошиқларга сендин ўзга
гавго ҳаром,
Ишқ йўлига кирганларга
савдо ҳаром,
Ҳар не қилсанг, ошиқ
қилғил, парвардигор!

Ишқ ва имтиҳон ёнма-ён яшайди. Аммо бу ўзгача имтиҳон. Бу дарсхона эшигига қўл чўзган имтиҳон олувчи ва топширувчилар ҳам мардона рафтор қилишлари даркор. Бунда нарх-наво, воситачию ҳомийлар бўлмайди. Ишқ даргоҳида Назардан ҳоли ғўша, «Ҳожатбарор»лар савдо қиладиган хилват жой бўлмайди. Қодири Қудратнинг нигоҳи ўткир. Темир ва цемент қоришмадан бунёд этилган мустаҳкам деворлар ортида содир буладиган «муъжиза»ларни ҳам кузата олади... Имтиҳону синовлар бозори ҳақида юрадиган узун қулоқ «миш-миш»ларнинг авж олаётганлиги ҳам ўша лазер нури қудратига тенг Нигоҳнинг зуҳури эмасмикин? Пири маънавий нега ошкора ҳужумга ўтган? Ишқ, бозор, савдо сўзларини ёнмаён қуллайди. Шу парчанинг ўзида қатъий ҳукм ҳам чиқарилган: Ҳаром! Ишқнинг бозори ҳам, савдоси ҳам бўлмайди. Ишқ даргоҳи — поклик, бокиралик, мусаффолик олами.

Ишқ ва висол, ишқ ва ҳижрон, ишқ ва рашк, ошиқ ва агёр... . Руҳхати давом эттириш мумкин. Аммо муддао билимдонлик, сўзбозлик қилиш эмас. Балки моҳиятга яқинроқ келишдир. Ишқ ҳақида ёзилган шеър бор жойда фиғон, доду фарёд, изтироб, кўз ёши, ғаму ғамхона ёнма-ён туради. Масаланинг бир учи эса имтиҳонга бориб уланади. Ишқу ошиқлик — шошқалоқликдан йироқ. Закий аждодларимиз «Шошилган қиз эрга ёлчимас», — дея бекорга башорат қилишмаган. Шу биргина жумла мағзига бутун бир умрнинг мазмуни жо этилган. Масалани фалсафий йўсинда чуқурлаштириш лозим бўлса, ишқнинг барча босқичлари босиб ўтилгач, висол бўлган васл ширин. Маърифий маънода фақир, дарвеш ва ориф ишқи... Кейингиси ана ўша ширин васлга етиш чўққисидир. Вомиқу Узро, Вису Ромин, Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун, Гулу Булбул, Ҳусну Дил, Гулу Наврўз, Юсуфу Зулайҳо, Тоҳиру Зуҳро, Ғарибу Шоҳсанам — ишқ йўлини, имтиҳонларини қисмат билган, ибрат рамзига айланган ошиқу маъшуқалардир.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари — севишганлар учун дарслики китоби. Турткиндан тўртликка ўтгани сайин мавзунинг очилмаган қирралари, тутилмаган жилолари намоён бўла боради.

Ишқ дардини бедардларга
айтиб бўлмас,
Бу йўлларни уқбоси кўп,
ўтиб бўлмас,
Ишқ гавҳарин ҳар
номардга сотиб бўлмас,
Бехабарлар ишқ қадрини
билгани йўқ.

Ҳазрати маънавий султонга нисбат бериладиган бу тўртликни ҳайратсиз ўқиш ва қалбан ҳис қилиш асло мумкин эмас. Мавриди бўлмаса ҳам айтиш жоиз, ҳозирга қадар Аҳмад Яссавий ҳикматларининг қадимий қўлёзмаларига эга эмасмиз. Жумҳуриятимизда «Девони Ҳикмат»нинг икки нашри амалга оширилди. Яна навбатда турганлари ҳам бор. Аммо улар барчасининг асоси эса тошбосма нусхалардир. Шундан бўлса керак, нашрларга Аҳмад Яссавийга нисбат бериш қийин бўлган асарлар ҳам кириб қолган. Яна ҳикматлар тили ҳам баҳсталаб. Даврдан анча илгарилаб кетган. Масалага «қилни қирқ ёришга» қодир матншуносларимиз ва тил тарихи мутахассислари аниқлик киритишларига умид боғлаб, ғоявий баҳсимизни давом этамиз.

Юқоридаги тўртликда ишқ ва дард эгизак тушинчалардай талқин этилмоқда. Дард — иллат. Инсон жисмининг хасталиги. Бироқ ижод ва ишқ оламида «дард» ижобий маъно касб этади. Дард — жавҳар, дард — оташ, дард — аланга, дард — нур, дард — армон, дард — забт этилмаган чўққи, дард — рўшнолик кўрмаган орзу ... Масала равшан. Ўша фазилатлардан бенасиб ишқ ҳам, бадиий асар ҳам норасо, кемтик, яшашдан маҳрум. Маълумингизки, Хожаи Калон ўзак мавзуни топган ва катта дард билан бадиий талқин эта олган. Аслида ўша тўрт сатрни бизнинг қалбимизга ошуфта қилган бош омил ҳам ўша дардҳаётда бот-бот кўзга ташланадиган жароҳату иллатлар эмасми? Ишқ — гавҳар. Номардгина, бедардгина уни баҳолай олмаслиги, садаф билан тенг кўриши мумкин. Бундай кишилар ишқ ва ҳаваснинг фарқига бормайди. Шоир Уйғун тўғри таъкид этганидек, «ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма...» мулоқотларда «ишқу ошиқлик ўтмиш китобларида қолиб кетган, бугунги ҳаётда учрамайди» қабилидаги «дард»ли гаплар қулоққа чалинади. Йигитлар қизларни, қизлар йигитларни айблашади. Албатта, ҳакамлик қилиш, жўяли гап айтиш ҳам мумкин эмас. Ишқ биринчи одам — Одам Ато қонидаёқ ўз жазаваси кўрсатган. Авлоддан авлодга муқаддас мерос сифатида кўчиб, яшашда давом этган. Ҳар бир давр унга ўзича муносабатда бўлган, сайқал берган, алқаган, хўрлаган... Ишқ ҳамон мардларнинг қалбида ардоқланиб келади. Айюҳаннос соладиганлар эса, назаримда, ишқ билан ҳавас, нафсу ҳирсни фарқламай келадилар. Улар жисмида инсоний туйғуларни эмас, имкониятларни қадрлаш баланд туради. Бундай рафторнинг қутби — алданиш, доду фарёд. Зинҳор ишққа ранг ва тафт берадиган дард эмас.

Улкан маънавий арбоб инсон тақдирини ишқдан холи тасаввур қила олмайди.

Дардсиз одам одам эмас,
шуни англанг,
Ишқсиз одам ҳайвон
жинси, муни тингланг.
Кўнглингизда ишқ
бўлмаса, манга йиғланг,
Гирёнларга хос ишқимни
ато қилдим.

Аввало, айтиш керакки, юқоридаги тўртликда ўртага қўйилган дард бу ўринда қатъийроқ ифодасини топган. Ҳожа мавзуни муҳокамадан ҳоли — ҳукм даражасига кўтарган. У билан мунозара қилиш қийин. Чунки ҳар бир инсон ўзига ажратилган бир чимдим умри давомида қанақадир бир мақсадни рўёбга чиқариш учун курашиб, ўтиб кетади. Ўша муддао мурод тўнини киядими, бундан қатъи назар, ўртада турган дард уни курашга чорлайди. Руҳоний арбобнинг ишқ бобидаги хулосаси ҳам ўта шиддатли. Инсон ҳам, ҳайвон ҳам маҳлуқот оламига мансуб. Холиқ — яратувчи уларни халқ (яратган) қилган. Бири — онгли, иккинчиси — онгсиз фаолият кўрсатади. Хожа талқинича, ишқ онглилик белгиларидан биридир. Унга ширк келтириш — ҳайвонликни буйнига олиш билан баробар.

Шеърий парчадаги яна бир ишора диққатни тортади. Ишқ — кенг тушунча, унинг таснифу талқинлари ҳам якранг эмас. «Гирёнларга хос ишқимни ато қилдим», — дейди маънавий арбоб. Модомики, «ишқи хос» ҳақида гап борди, «ишқи авом»нинг ҳам булиши шубҳа тугдирмайди. Бугун даврий матбуотда, илмий адабиётларда ишқнинг хилма-хил кўринишлари ҳақида ёзилмоқда. Айниқса, тасаввуфга «ёпишиш» авж олди. Икки жумлани ёнма-ён, мантиқий боғлиқликда келтиришга қурби етмайдиган айрим азиз биродарларимиз ҳам тасаввуф донишмандлари мақомида жар солмоқдалар. Аллоҳ гуноҳимдан ўтсин, мен ноҳақдирман, ушаларни рафторида тасаввуфнинг кучасига яқин келадиган белгилар назарга етмайди. Ундайлар учун поклик, камтарлик, ўз ҳаққига қонеълик мутлақо бегона. Бу гуморҳ бандаларнинг айрим уринишларини кўриб, Муқимийнинг «Аммамизнинг эрларидир Нур Ато...» сатри эсга тушади. Ишқ баҳсига қайтайлик. Чиндан ҳам таснифлар бор. Ҳазрат Алишер Навоий уларни умумлаштириб, «ишқи мажозий», «ишқи ҳақиқий» (илоҳий) бирикмаларни қўллайдилар. Лекин уларнинг ўртасига Искандар — Хитой деворини кўнгдаланг қилиб қўймайдилар. Мавзуга ана шундай муносабатни Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам кўрамиз. Ҳатто Хожаи Аъзамнинг ҳикматларида Аллоҳга бўлган ишқ талқини устунлик қилади. Масаланинг бундай тус олиши ҳар қандай ўқувчини ҳам фикрий чалкашлик сари бошлайди. Бундан уч-тўрт йил олдин ҳар бир сатрдан «дунёвийлик» излаган бўлсак, бугун унинг аксини қилмоқдамиз. Яъни ўтмиш шеъриятидаги ишқ илоҳий муҳаббат талқинидан иборат дейишдан тап тортаётганимиз йўқ. Ёки инсоннинг инсонга бўлган севгиси ҳақида гапириш, шу йўсинда таҳлил этиш тасаввуфни тушунмаслик даражасида баҳоланаётир. Фикримча, масалани зикри ўтган талқинда муҳокама қилиш маъқул эмас. Нега? Инсон ҳудо яратган мўъжиза. Унда Ҳолиқнинг зарраси бор. Ишқ — Оллоҳнинг инсонга кўрсатган марҳамати. Инсон шу неъматни сарфи назар қилиши билан Қодири Қудратга ширк келтирмайдими? Тасаввуф исломга қадар ҳам ҳаракатда эди. Исломдан кейин ҳуқуқий ҳужжат олди, фалсафий дунёқараш сифатида тараққий қилди, илмий моҳияти чуқурлашиб, мураккаблашиб борди, шоҳу шаббалар пайдо қилди. Лекин ҳар қандай тариқатнинг ҳам остонаси шариат-ку! Иллоҳий китоб — Қуръони Каримдаги «ҳамма нарсани жуфт-жуфт яратдим» жумласини тан олмаслик гуноҳи азим эмасми? Яна ўша Китобдаги аёлу эркакларга қарата «Сизлар бир-бирларингизга кераксизлар» таъкидидан кўз юмамизми? Ислом узлатга чекиниш, тарки дунё қилишни ҳаром этган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари, аёлларга муносабатлари ислом олами учун ибрат мактабидир. Ҳиндларнинг донишмандлик манбаи — «Маҳобҳарата»да ажойиб ҳикмат бор экан. «Дунёда она бўлмаса, Худонинг ўзи ёлғиз яшарди», — дейилади ўша ноёб асарда. Дарҳақиқат, ҳамма йигитлар ёхуд қизлар суфийлик йўлини танлашса, унда ҳаёт тўхтаб қолмас эдими? Чиндан ҳам ворисийлик бўлмас эди. Масаланинг иккинчи томони шундаки, тариқатнинг шайху муршидлари поғонасига кўтарилганларнинг барчаси мажозий ишқдан бенасиб бўлишмаган ва улар оила қуришган. Ушандай муршидлардан бири қирқ икки фарзанд кўрган. Шубҳасиз, улар бир онадан эмас эди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Саъдуддин Қошғарий, Абдурраҳмон Жомий, Хожа Аҳрори Валий нақшбандиялиқнинг пешволари эдилар. Улар оила қуришган ва фарзандлари бўлган. Мана шу йўналишдаги муҳокамада давом этиш ва яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ масаланинг узаги бунда эмас. Моҳият инсон ҳаётининг зоҳирида эмас, балки унинг маънавий оламидадир. Тариқатнинг аҳкомлари устида баҳс юритган Ҳусайн Воиз Кошифий уларнинг тўрт юз қирқ тўрт паҳлу ва атамаси борлигини таъкид этади. Шулардан энг асосийлари сифатида тўрттасини ажратади ва покликни алоҳида урғу билан кўрсатади. Аёнки, ишқ бобида ҳам ПОКЛИК олий мақомда туради. Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Ошиқ ани билки
эрур дарднок,
Тили поку, сўзи поку,
кўнгли пок, —

дейиши замирида ўша ҳақиқат ётади.

Улуғ ўзбек шоири мулоҳазаларини ривожлантириб, руҳи рост тан олади: инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатида поклик ҳукмрон бўлса, ҳақиқий — илоҳий ишқни излашга ҳожат қолмайди. Чунки поклик шиори бўлган мажозий ишқ илоҳий муҳаббат мақомига кўтарилади... Ана шундай якун Аҳмад Яссавийда ҳам кузатилади:

Ҳойи ҳавас моуманни
ташлаганлар,
Чин ошиқдир, ҳаргиз
они ёлғони йўқ.

Бунга осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Ишқ йўлини ўзига қисмат билган ошиқ «Нафсдин кечгў, қаноатни пеша қил»моғи даркор...

Р. ВОҲИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Халқ таълими фидойилари

«ЯНГИЧА УСУЛДАГИ ДАРС

Даҳо адибларимиз, уларнинг азиз номлари ва асарлари халқимизга қайтариб берилганлиги Мустақиллигимиз шарофатидан эканлиги барчамизга аён, албатта.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Гагарин номли 27-мактабда Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланиб, ўқувчиларга янгича усулдаги конференция дарси ўтказилди.

Қувонарлиси шуки, ўқувчилар миллий қадриятларимиз руҳида тарбия топишиб, аждодларимиз бой маърифий-маънавий мерос соҳиби бўлганликларига яна бир карра амин бўлишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Навоий вилояти Нурота туманидаги 20-ўрта мактаб мусиқа ўқитувчиси Илҳом Шерматов Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган республика педагогик ўқишларида «Мусиқа дарсларида ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг вокал хор малакаларини ўстириш тажрибасидан» мавзусида маъруза қилган эди. Мазкур тажриба анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳозир тажрибали муаллим изланишларини давом эттираяпти.

Суратда: Фидойи ўқитувчи И. Шерматов бир соатлик дарсини мусиқа билан боғлашга тайёргарлик кўраяпти.

БИРЛАШГАН ИХТИСОСЛАШГАН ИЛМИЙ КЕНГАШ

Қори Ниёзий номидаги Узбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузурида бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У педагогика тарихи, назарияси мавзулари бўйича докторлик аниқ фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси мавзулари юзасидан эса фан номзодлиги илмий даражасига мўлжаллаб ёзилган илмий ишларни муҳокама этади. Бу бирлашган ихтисосолашган кенгашга таниқли олим, тарих фанлари доктори Исломжон Турсунов раислик қилмоқда. Кенгашнинг 25 та аъзоси бўлиб, уларнинг деярли барчаси докторлик илмий даражасига эга, ўз фаолиятлари билан элу юрт олдида обрў қозонган олимлардир.

Хўш, бу нуфузли кенгаш нима учун ташкил этилди. Унинг ўз олдига қўйган режалари қандай?

— Илмий кенгашимиз ҳам мустақиллик меваси, дея атасак ҳеч бир муболаға бўлмас, - деди таниқли олим, Узбекистон педагогика фанлари илмий тақиқот институтининг директори Д. Шодиев. - Унинг ташкил топиши уш пайтгача илмий ишларни ёқлашдаги оварагарчиликларга, сансоларчиликларга чек қўйди ва бутун республикамиз миқёсидаги шу соҳалар мутахассиларини бирлаштирди.

Ҳа, бирлашган ихтисослашган илмий кенгашнинг ташкил этилиши давр талаби эди. Чунки бугунги долғали узгаришлар педагогика фанида ҳам туб бурилишлар ясаш масаласини кўндаланг қўймоқда. Жумладан, миллий қадриятлар сингдирилган, жаҳон тажрибаларига суянган ўз педагогикамизни яратиш ғоят долзарб муаммодир. Илмий кенгашнинг фаолияти худди шундай муаммоларни тезроқ ҳал қилишга қаратилгандир,

УЗПФИТИ илмий ходимларидан Жумабой Раҳимов ва Ҳусан Рафиқовлар бирлашган ихтисослашган илмий кенгашнинг илк қалдирғочларидан бўлишганди. Яқинда Наманган давлат университети катта ўқитувчиси А. Турдиалиев «Тасвирий санъат дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни бадиий касб ҳунарларни йўналтириш» мавзусида илмий иш ёқлади.

Айни кунда бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш навбатдаги муҳокамаларга ҳозирлик кўрмоқда.

Л. БЎРИЕВ.

Халқ таълими фидойилари

«ЎҚИТУВЧИЛИКНИ ТАНЛАБ ЯНГЛИШМАБМАН»

Абдувосиқ Ваҳобовнинг хонадонига файз киритиб ўтирган меҳмонлар қатори мен ҳам бу саховатли қалб эгаси, 70 йиллик умрининг 53 йилини мактабга бахшида этган инсон ҳақида адабиёт ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Асқар Иброҳимовнинг жўшқин дил сўзларини тинглар эканман, унинг Чилонзор туманидаги 200-мактабда амалга оширган ишлари, ўз устозлари ва шогирдларини чексиз эъзозлаши ёдимга тушди.

Эндигина 17 ёшга кирган Абдувосиқ ака ҳаёт-мамот жанглари бораётган 1944 йилда фронтга кетган устозлари ўрнини босди. У 10-синфни тугатибоқ Тошкент туманининг Қатортол қишлоқ совети ҳудудида жойлашган, ўзи таълим олган 1-ўрта мактабда ўқувчилар етакчиси ва бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Кўп ўтмай 2-тўлиқсиз ўрта мактабга илмий мудир этиб тайинланди.

Ҳар кимнинг ҳам ўз севган, ихлос қўйган устози бўлади. Чинакам маориф фидойиси, сўзи ва иши бир бўлган тарих ўқитувчиси Тура Тўлагановни у отасидек ҳурмат қилар, унга ўхшашга интиларди. Устозлар билан ёнма-ён ишлаб катта тажриба орттирган Абдувосиқ ака тумандаги 204- ва 200-мактабда 40 йилга яқин директорлик қилди. Айниқса, у салкам 30 йил раҳбарлик қилган Ислом Усмонов номидаги 200-мактаб жамоасининг илғор иш тажрибаси пойтахтимиз миқёсида ибрат қилиб кўрсатилди.

Инсон маънавияти ҳақида сўз юритилар экан, унинг эътиқоди, эл-юрт ташвиши билан яшаши, хайрли ишлари назарда тутилади. Мен Абдувосиқ ака ўзи ўрта маълумот олган ва кўп йиллар раҳбарлик қилган 200-мактабда уч қаҳрамон — Комилжон Азимов, Меҳринисо Убайдуллаева, Ислом Усмоновлар ўқиганлиги, юзга яқин фан докторлари, номзодлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган кишилар таълим олганлиги ҳақида фахр билан гапирди ва ёшларни ватанпарварлик ва юксак маънавият руҳида тарбиялашга даъват этди.

У саккиз фарзанд — тўрт ўғил ва тўрт қизнинг отаси, кўплаб невараларнинг бувваси эканлигидан мамнун. Фарзандлари, келинлари ҳам ўқимишли, ҳаётида ўз ўринларини топишган.

Етмиш йиллик юбилейи тантанасида Тошкент молия институти ректори, академик Мурод Шарифхўжаев, профессор Аҳмад Улмасов, Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири Абдумалик Абдуалимов ва бошқалар маориф фидойиси, халқ таълими аълочиси, ажойиб оила соҳиби ҳақида илиқ сўзларни айтишди.

— Мен ўқитувчилик касбини танлаб янглишмаган эканман, — деди у ҳаяжонланиб. — Агар ўқитувчи бўлганимда фарзандларимни шу даражада тарбиялай олмасдим, эҳтимол. Бугун невараларим — Бобур ва Улуғбекларнинг суннат туйини қилаётган кенжа ўғлим, иқтисод фанлари номзоди Алишернинг устозлари иқтисод илми соҳасида фарзандим эришган ютуқлар ҳақида гапиришганда, бошим кўкка етди. Мен янги ўқув йилидан қонуний дам олишга чиққан бўлсам ҳам, қадрли жамоам, шогирдларимдан узоқлашиб кетмоқчи эмасман.

Тўй тўйдек ўтди. Эл суйган санъаткорлар астойдил хизматлари билан меҳмонларни хушнуд этишди.

Ғ. МАННОПОВ.

ҲИКМАТИ

га доим тайёр бўлгани яхшидир. Бунинг учун у педагогика, психология мутахассислиги бўйича илмий-методик янгиликларни, кундалик ахборотлар, газета ва журналлар, янги китобларни ўқиши, иложи борича турар жойда, мамлакатда, жаҳонда юз бераётган ҳамма воқеаҳодисалар билан таниш бўлмоғи зарур. Унинг семинар, конференциялар, йиғилишлар, малака ошириш ўқув курсларида қатнашгани ғоят фойдалидир. Донолар айтганидек:

Билимли билимин
қилмаса баён,
Билими ёришмас ўтса ҳам
замон.

7. МАКТАБ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК РУҲИ

Ким яхшилик қилса, ўзи учун қилади. Инсон яхшилик қилувчидир. Инсон бутун дунёдаги жонзотларнинг энг улуғи. У ўзининг ақлзаковати, тили ва меҳнати билан буюкдир. Комил инсон эзгулик ўруғларини сочади, саодат экинларини ўради. У шафқатли, марҳаматли, хайр-эҳсонли, жамият учун, халқ учун фойда келтирадиган, пок қалбли, илм нуридан баҳраманд бўлган, ахлоқу одобли, ғайратли, ишчанлиги ва меҳнатсеварлиги, матонатлилиги билан улуғдир.

Ақлни биз инсонларга Оллоҳ иноят этган улуғ ҳадя, бебаҳо неъмат деб билмоғимиз, уни соф ва комил равишда асрамоғимиз зарур. Ақл — бахтли ҳаёт чироғи. Ақлли одам ўзининг камчилиги даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради. Ғўзал хулқли одам инсонпарвар булади. Инсонпарварлик, эзгулик, шафқат-меҳрибонлик ерда қолмайди. Ҳар ким экканини ўради.

Инсон ҳамиятли бўлмоғи зарур. Ҳамият номус ва диёнатни сақлашдир. Ирода чидамлилик, ғўзал сифатларга, олий ишларга эришиш йўлида машаққатларга бардош беришдир. Аслида тушунчаси пок, соф ва ҳаққоний киши матонатли бўлади. Назокат инсоннинг вужуди, либоси, уй-жойи, иш жойи тоза, покизалигига диққат қилиш демакдир. Иффат одобли, шарм-ҳаёли, номус-орли бўлмоқликдир. Мулойимлик сабрли, мулойим, очиқ чеҳра, ширин сўзлиқдир. Юқоридагилар инсон ва инсонпарварликка хос хусусиятлар бўлиб, биз таълим-тарбия ва мактаб ишида улардан фойдаланмоғимиз, йиғилишларда ҳам, жамоа билан мулоқотда ҳам, кишилар билан суҳбатда ҳам, тарбиявий ишларда ҳам уни ҳаётга татбиқ этмоғимиз зарур. Улуғ аллома Юсуф Хос Хожиб ёзганларидек:

Улуғни улуғла, келтир
ҳурматин,
Шунда сен оласан улуғлик
номин.
Ўқув қут беради, билим
шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир
инсон.

8. ЎҚИТУВЧИ, ОТА-ОНАЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК

Ота-оналар билан ҳамкорлик бола тарбиясига ижобий таъсир этади. Боланинг ўқиши, ахлоқу одоби ҳақида ота-оналарни хабардор қилиш уларнинг бола тарбияси учун жавобгарлигини оширади. Ота-оналарга педагогик маълумот бериш бола тарбияси юзасидан улар масъулиятини орттиради. Бола тарбияси оиладан бошланади. Оила жамиятнинг кичик мактабидир.

Муаллим синф раҳбари бўлса, ота-оналар йиғилишида оила педагогикаси юзасидан маълумот бериши муҳимдир. Ана шунда йиғилиш руҳи ўзгариб, боланинг уйдаги меҳнатини ташкил этиш усуллари, яъни режали овқатланиши, дам олиши, ухлаши, радио тинглаши, телевизор кўриши, дарс тайёрлаши, китоб ўқиши, ўйрўзғор ишларида иштироки, кўчада ёки уйда бирор ўйин билан шуғулланиш вақт-режаси ҳақида педагогик, психологик мавзудаги масала муҳокама қилинади. Бу йиғинда яхши ўқийдиган ўқувчиларга баҳо бериш мумкин, лекин ахлоқу одоби яхши бўлмаган ўқувчи ҳақида мажлисда гапирилмагани маъқул. Бундай гапни фақат ота-она билан якка тартибда суҳбатда айтиш фойдалидир. Акс ҳолда бу гап ота-она нафсониятига тегади, ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлигига путур етади.

Жамоатчилик, маҳалла қўмитаси, унинг фаоллари, тиббиёт ходимлари, зарурат бўлса, милиция ходимлари билан ҳамкорликда иш юртилса, болани ҳар томонлама тарбиялашнинг самарадорлиги ошади.

Ўқитувчи болаларни тарбиялашда оила хусусиятларини билмоғи зарур. Шундай оилалар борки, боланинг кундалик фаолиятида яхшилик ёки қийинчиликларга учрайди. Масалан, бола тарбиясида тенг ҳуқуқли оила борки, ота-онага бир хил талаб қўяди, мактабга тез-тез келиб туради. Агар гуруҳларга бўлсак, отанинг таъсири кучли бўлган оила, онанинг таъсири кучли бўлган оила, ёлғиз она бўлган оила, отаси ўгай оила, онаси ўгай оила ёки ота-онаси йўқ, қариндоши уйида бола яшаб турган оила... Буларнинг ҳаммасини ўқитувчи билса, урганса, шундагина таълим-тарбиявий иши самарали бўлади.

Ота-оналарнинг ҳам «яхши хулқлиси» ёки «ёмон хулқлиги» бўлади. Кўпгина ота-оналар болани тарбиялашда ўқитувчи билан ҳамкорликда иш юритади, айримлари эса «менинг боламни ўқитиб тарбиялаш фақат сенинг вазифанг» деб тушунади. Бундайлар ҳатто болага ўқитувчи ҳақида салбий фикрларни ҳам айтадилар, ёмонлайдилар. Оилада ота-она одобсиз бўлса, у болага салбий таъсир этади. Бундай оиладаги бола билан муаллимнинг ишлаши оғир кечади, мураккаблашади. Шу боис бола билан ишлашда ўқитувчи психологлардан маслаҳатлар олиши, мактаб раҳбарлари ва жамоатчиликка суяниши ҳамда ҳамкорликда ишлаши зарур.

9. МАКТАБ РАҲБАРЛАРИ ЎҚИТУВЧИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРГАНИ МАЪҚУЛ?

Мактаб ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам иккинчи оила. Мактаб раҳбарлари улар учун маънавий ота-она, ҳаммани бир хилда кўриши шарт. Шу боис раҳбарлар ўқитувчиларга ғамхўр, меҳрибон, шафқатли, хушфеъл, ширин сўз, очиқ юз мураббий бўлиш билан бирга уларга илмий, методик, амалий жиҳатдан доимо ёрдам кўрсата билиши лозим.

«Маърифат» газетасида эълон қилинган Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг «Раҳбар қандай бўлса, мактаб ҳам шундай» мақоласида бугунги мактаб директорининг маънавий қиёфаси ва фазилатлари тўла ифодалаб берилган. Бундай фазилатли, тажрибакор мактаб раҳбарлари республикамизда кўп. Улардан бири Тошкент шаҳридаги 22-мактаб директори Ҳокимжон Ҳошимовдир. У киши ҳозир 80 ёшда. Қарийб 50 йилдан буён мазкур мактабда директор. Мактабда икки ярим минг ўқувчи, 250 ўқитувчи ишлайди. Ҳокимжон отадан ҳамма миннатдор. Директор ўқувчига ҳам, ўқитувчига ҳам, бошқаларга ҳам ҳурматини жойига қўйиб «сиз» деб мурожаат қилади. Ҳар йили нафақа дам олишига кетишим керак деб отланган Ҳокимжон отани ўқитувчилар илтимос билан яна директорликка олиб қоладилар. Бу — бахт! Бундай билимли, тажрибали мактаб раҳбарларидан ёш мактаб директорлари намуна

Маъруф ЖАЛИЛ — 60 ёшда

СЎЗИ ЎЗИГА ЎХШАЙДИ

Олтмишинчи йиллар бошида ҳозирги «Узбекистон овози» газетасида Маъруф Жалилнинг «Мен сизни севардим» сарлавҳали каттагина шеъри эълон қилинди. Уша куниёқ уни излаб топиб ўқийдиганлар кўпайди. Маъруфжон зўр шеър ёзибди, деган сўзлар айтилди. Шоирни қутлашди.

Адашмасам, Маъруф Жалил ушанда шеъри эълон қилинган газетада энг кичкина ходим бўлиб ишларди. Салом-алик қилиб юрган акам билан ушандан бери танишман. Озми-кўпми сирдошман. Маъруф Жалил мен қўл олишган кунда қандай бўлса, шу кунгача на семирди, на ўзгарди. Қилган иши, кўнгилга ёқадиган шеъру достонлар ёзди. Озғину семиз китоблар чоп этди. Муҳими, кеккаймади. Узини дуч келган эшикка урмади.

Бу гапларни эслатишдан маъни шуки, бугун катта шоирлар сафида қадам ташлаётган Маъруф Жалил ўзбекона самимий, мағзи бут асарлари билан танилди.

Маъруф Жалил ижодини қора меҳнатдан бошлаган. Босмахонада қўрғошин қуйиш цехида ишлаган. Норак ГЭСи қурилишида меҳнат қилган. Ундан кейинги ҳаёти редакция, нашриёт остоналарида ўтаётгани ҳаммага маълум.

Маъруф Жалил меҳнатдан, меҳнаткашдан чиққан ижодкор бўлгани учун тенгдошлари орасида анча сабрли чиқди. Шунданми, унинг асарларида босиқлик кучли. Чираниш, безакларга ўчлик ундан узоқроқ.

Маъруф аканинг ҳаммамиздан ажралиб турадиган, ҳавас қиладиган яна бир ноёб хислати бор. Бир нарсани очиқ тан олиш керак. Ҳаммада бўлганидек, айрим қалам аҳлида ҳам тезроқ ҳаёт саҳнасида кўриниш, мени таниб қўйинглар деб уринишлар йўқ эмас. Ғашлик ана шундан бошланади.

Бу акамиз билан бир қатор учрашув, сафларда бирга бўлганмиз. Шеърлар ўқиганмиз. Суҳбатлар қурганмиз. Аммо бир жойда менга камроқ эътибор бўлди, деган арзини эшитмаганман.

Маъруф Жалилнинг шеърий асарлари, таржималари бир талай.

Маъруф Жалилни кўпчилик шоир сифатида яхши билади. Тенггу тушлари, укалари ҳурматини жойига қўяди. Унинг публицист сифатида ҳам хизмати катта. Эсимда, Маъруф ака бундан анча олдин бир муддат ижодий иш билан шуғулланиб, эркин ижодкор қаторида юрди. Қорақалпоқнинг машҳур шоири Ибройим Юсуповнинг шеъру достонларини таржимони, у билан ака-ука тутингани оқибатида Қорақалпоғистонга йўл олди. Маъруф Жалил қадрдон юртига боргач, Аму бўйларида юрмади, қуриб бораётган Орол қирғоқларида пою пиёда кезди. Натижаси: матбуотда биринчи бўлиб «Орол қурияпти!» деб бонг урди. Бир эмас, кетма-кет чиқишлар қилди. Ана шундан кейин мен Оролни қутқараман деб минбарларга ётиб олувчилар сони орта борди.

Маъруф Жалил бу ҳислатларидан ташқари тарихий китобларни қувиб юриб ўқийдиганлардан бири. Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги пьесанинг таржимони. Ўзи ҳам бу буюк зот ҳақида достону балладалар ёзди.

Жоиз бўлса яна шуни айтиш керакки, Маъруф Жалил сабрдан ташқари шукроналик билан яшайдиган шоир. Ҳоҳи ёлгиз қолди. Эшигини очиб уни кутиб олувчиси йўқ пайтда ҳам шукур қилди. Ўзининг инжиқ табиатини койиди. Бу инжиқлик ҳам яхши, ёмон одамларни кўравериб, ҳоҳи даврадаги пойгакка сурилиб қолаверганидан пайдо бўлган.

Маъруф Жалил ғарқ пишиқчилик, аниғи, кузги қовун пишиғида туғилган. Ана шу воқеага ҳам мана олтмиш йил бўлди. Кузги қовуннинг палаклар остида яшириниб қолгани қандай ширин бўлишини биласиз. Маъруф ака биз учун ширин одам. Унинг ёзганларини қуяверинг, унинг ширингина кулишлари ҳам ёқимли.

Маъруф Жалил ҳақида ана энди ҳақиқий, ширин гапларни айтишимиз шарт. Чунки унинг сўзи ўзига ўхшайди.

Сафар БАРНОЕВ.

ХАЁЛЛАРИМ

Хаёлларим олам кезиб қайтиб келади,
Баъзан қуруқ, гоҳ янги гап айтиб келади.
Гоҳ аскарлар ётоғида бўлади меҳмон,
Гоҳ ўзи ҳам аскар тузар гўё қўмондон.
Гоҳ яйловда қўй боқади чўпонлар билан,
Гоҳ пайкалда кузни ўйлар деҳқонлар билан.
Гоҳ тилларда куйлансин деб тўқийди ғазал,
Гоҳ юртига меъмор каби беради сайқал.
Темир-бетон деворларни пайванд қилар гоҳ,
Чилвир сочлар хаёлини парканд қилар гоҳ.
Бу дунёда умид билан яшаган инсон
Ўтмасин дер фарёд чекиб юрак, бағри қон.
Ҳеч кимсани ишонч алдаб кетмасин, дейди.
Ёлғиз қулфат мақсадига етмасин, дейди.
Кишан билан озодликнинг фарқин билмаган
Ғафлатдаги тутқунларга зарда қилмасдан,
Тургин, дейди, фаришталар ризқ улашганда,
Эрта турмоқ одатингни қилмагин канда...
Хаёлларим олам кезиб қайтиб келади,
Баъзан қуруқ, гоҳ янги гап айтиб келади.

ЮПАТИШ

Бозор борсанг, чақиб олса нарх-наво,
Исён қилса норозилик бедаво.
Ўйлаб қолсанг: «Бу қандай кун? Не савдо»
Қайғурма кўп, бу савдолар ўткинчи.

Ўғил, қизим аҳволи не кечар деб,
Тақдир қўли қандай тоўле бичар деб,
Умр эса из қолдирмай учар деб,
Қайғурма кўп, бу савдолар ўткинчи.

Издан чиқиб кетган эди эл ахир,
Ўтлар ўсиб, йўқолганди йўл ахир.
Уша йўлни биз топайлик, кел, ахир,
Қайғурма кўп, бу савдолар ўткинчи.

«Иш билганга гап бил» демас донолар,
Йўлда синар бир-бирини ҳамролар,
Қаттиқ кунда мадор бўлгай наволар,
Қайғурма кўп, бу савдолар ўткинчи.

Маъруф, бунча ўз-ўзингдан куймагин,
Яхши кунлар борлигини куйлагин,
Ноумидга умид бериб суйлагин,
Қайғурма кўп, бу савдолар ўткинчи.

Маъруф ЖАЛИЛ.

Ер айланаверади, замонлар ўтаверади, авлодлар алмашаверади... Барглар ҳам худди одамга ўхшамайдими? Ахир эртага баҳор келиб, тўкилган барглар ўрнидан янгилари ўсиб чиқмайдими?

А.ШАПСАНОВ.

Хулласи...

АФРИКАЧА БИЛЕТ ЎҒИРЛАШ

Жанубий Африка Республикасида ўқув йили январда бошланиб, ноябрь охирида тугайди. Демак, октябрь ва ноябрь ойлари имтиҳонлар даври ҳисобланади. Хаутенг тумани мактабларида эрта тонгда математикадан имтиҳон топшириш келган битирувчиларни мактаб директорлари уйларига қайтариб жўнатишди. Маълум бўлишича кимдир имтиҳон билетларини ўғирлаб тарқатиб юборди. Кўп ўтмай ҳокимиятдагилар маориф департаментида жиноий тўда ҳаракат қилаётганини эълон қилишди. Улар эртароқ билетларни қўлга тушириб, ўз агентлари орқали мактаб ўқувчиларига сотишаркан. Бир фандан тўғри жавобли саволлар нархи 100дан 500 АҚШ долларигача турар, барча имтиҳонлар бўйича билетлар эса ота-оналарга 1000 АҚШ долларига тушади. Ёмон ўзлаштириш натижасида ҳар йили 30 — 40 фоиз битирувчи аттестатсиз қолишмоқда. «Cifiztn» газетасининг ёзишича илгари бундай номаъқулчиликлар бўлмаган, давлатнинг маориф вазирлиги ички коррупция учун жавоб бериши керак.

САЁҲАТЧИ МОМО

74 ёшга кирган Қозонлик Амина момо қариган чоғида дунёни кўргиси келиб қолди. Дунё кўриш, ўзини дунёга танитиш учун онахон квартирасини сотиб, опасиникига кўчиб ўтди. Бу пуллар, аввало кинофильмлар орқали севиб қолган Ҳиндистон сафарига ҳамда Японияга бориб келишга етди. Шунингдек, мана шу ёзда Нидерландия, Франция, Италия, Германияга ҳам саёҳат қилди. Ҳозир АҚШ сафарига тайёргарлик кўраяпти. Момонинг дунё кўришга иштиёқи натижасида қариндошлар уй-жой ворислигидан маҳрум бўлишди. Унинг қариялар уйига жойлашиш йўли қолган, холос. Лекин момо АҚШдаги қариялар уйига жойлашмоқчи.

ҚАРҒАЛАР УЧСА ҚАРАЙЛИК...

«Литвадаги Шауляя шаҳри хиёбони узра», деб қушиқни давом эттиришимиз мумкин. Қарангки, бу шаҳарда қарғаларга қарши «жанг» бошланибди. Йўқ-йўқ, қарғалар одамларга ҳужум қилмаяпти, «қаг-қаг» этган овозлар ҳам одамларга халақит бермаяпти. Фақат... шаҳарликлар хиёбонда кечқурун бир сайр қилгандан сўнг кийимларни «химчистка»га беришларига тўғри келаётган экан. Шу боис раҳбарият уларни овлаш учун овчиларга рухсат берибди. Бошқа йўллари йўқмикин, демоқчимисиз? Литваликлар жуда маданиятли халқ-ку, демоқчимисиз. Улар инларни бузиб қуришди, ҳатто заҳарли озуқа ҳам беришди. Лекин бу ақлли қушлар ҳар бир «тузоқ»дан «айланиб» ўтишибди. Биология ўқитувчиларимизга савол: қарғаларни қувишнинг яна қандай йўллари бор?

ИККИ ЮЗГА КИРИНГ, ОТАХОН!

Одатда бирор кишига нисбатан меҳримиз товланиб кетса ёки раҳмат айтмоқчи бўлсак «юзга киринг-е» дея дуо қиламиз. Қозоғистоннинг Кўкчатоғида яшовчи Бойхожа Омонбоев яқинда юз йиллигини нишонлади. Шунинг учун юз ўрнига икки юз сўзини ўзгартирдик. Уни курсантгиз етмишгаям кирмаган ҳали, дейсиз. У учинчи хотини билан 50 йил бирга умр кўрибди. Бойхожа бобо касалхонага биринчи маротаба 90 ёшлигида тушибди. Шунда ҳам тасодиф сабаб бўлган экан, аниқроғи томга чиқиб тузатаётганда йиқилиб, оёғига жароҳат етибди. У ҳозир ҳам молбоқарлик қилади ва албатта ўзини бақувват ҳис қиляпти.

ана шунақа гаплар.

ТУҲФА

Меҳнат фахрийси Ортиқбой ака Юсупов ўз ижодий машқлари билан вақтли матбуотда фаол қатнашиб туради. Яқинда «Чўлпон» нашриётида шоирнинг «Юлдузларга борамиз» номли китобчаси чоп этилди. Ранг-баранг мавзуларда ёзилган шеърлар, топишмоқлар ва тез айтишлардан иборат мазкур тўплам ўзининг 60 ёшини қаршилаётган бобонинг ширин-шакар набираларига муносиб тўҳфасидир. Қўйида ушбу китобчадан ўрин олган айрим топишмоқлар ва тез айтишлардан намуналар берилмоқда.

ТОПИШМОҚЛАР

Ҳеч ҳам тиним билмайди,
Лек жойидан жилмайди.
(соат)

* * *

Кетаберар демай кундуз ё кеча,
Унамайди, десанг: — Тўхта, дам ол, пича.
(вақт)

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Товуқ тухум туғадими?
Тухум товуқ туғадими?
Тухум товуқ туғадими?
Товуқ тухум туғадими?

* * *

Уч учувчи, уч марта учиб,
тоғнинг учини қучди.

* * *

Думбир-гумбир, гумбир-думбир.

* * *

Тўхташ томорқасига тарғил тарвуз экиб,
тармоқларини тараб турди.

* * *

Қодир қатиқдан қурут қотирди,
Қаттиқ қурутни Қодир қатиқдан қотирди.

Ортиқбой ЮСУПОВ.

Ривоят

АҚЛЛИ ВА ЖУРЪАТЛИ БОЛА

Ҳишом бюин Абдумалик Уммавий халифалиги даврида уч йил давом этган қаҳатчилик ҳамма жойни қамраб олди. Бадавий араблар жамоаси ўз қисматлари ва танг аҳволлари ҳақида халифа ҳузурига бориб, унга арзи ҳол айтишга қарор қилдилар. Улар саройга етганларидан сўнг, халифанинг ҳайбати ва салобати босиб, улар узларини йўқотиб сўзлашга мажоли қолмади. Бу бадавий араблар орасида Дарвос бин Хабиб исмли ёш бола бор эди. Бу бола қабиладошларининг журъатсизлигидан ниҳоятда таъсирланиб, шижоат билан халифа Ҳишом ҳузурига борди-да, деди:

- - Гап қисқа ёки узун бўлади, лекин сўзловчининг мақсади гапнинг иккинчи қисмини тўғри баён қила олсагина, тушунарли бўлади, шунинг учун энди жаноби халифа ижозат берсалар, ўз қавми илтимосини муфассал арз этсам!

Халифа рухсат берди, Дарвос эса шундай баён этди:

— Биз уч йилдан буён қаҳатчилик ва қашшоқлик азобида жон олиб, жон бермоқдамиз. Биринчи йили бадандаги ёғ қурими, иккинчи йили қуруқ суяк қолди, учинчи йили эса бадандаги суяклар ҳам чириди. Эй халифаи замон, Сизда молу дунё беҳисоб. Бу молу дунё ё Оллоҳники, ёки оллоҳ бандаларига тегишли ёки бўлмаса, сизнинг ўзингизникидир. Агар ҳудоники бўлса, уни оллоҳ бандаларига улашиб беринг, токи улар очликдан ҳалок бўлмасинлар. Агар молу дунё Оллоҳ бандаларинки бўлса, унда рухсат беринг, ўз ҳақларини олиб, қашшоқлик ва очликдан қутулсинлар. Агар ўзингизники бўлса, уни оллоҳ бандаларига хайру эҳсон қилинг.

Ҳишом:

— Бу гўдак учала асосий масалада ҳам рад этиш учун ўрин қолдирмади, - деди-да, қабила аҳлига юз минг ашрафий, болага ҳам яна юз минг дирҳам беришни хазинадорга буюрди.

Шижоатли гўдак Дарвос эса:

— Менга пул керак эмас, уни ҳам қабилам аҳлига беринг, - деб илтимос қилди.

Форсийдан Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ таржимаси.

КЎНГИЛ ШАМЧИРОҒИ

Озод юртнинг ҳар тонготари — байрам. Ҳур туйғуларимиз қанот ёйиб, ўзлигимизни лаҳзама-лаҳза кашф этиб яшай бошлади... Байрамлар шукуҳи кўнгилга кўчади. Кўнгил ёришади, ўсади. Кўрган-кечирганларимиз, ўқиб-ўқанларимиз сеҳру лаззати эса кунба-кун бизни ўлгайтиради.

Наврўзу ҳайитларимиз истиқлолнинг беш йиллик айёмига келиб улангани, УзДЭУавтонинг «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналари тулпорлар янглиғ кўчаларимизда елиб юрганидан кўзимизнинг қувонгани... Бу шодликлар Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тантаналарига қўшилиб кетгани-чи?!

«Ўзбекистонимизнинг ўзига хослиги нимада?

— Республикамизнинг тинчлигида, меҳнаткаш халқимизнинг оғир-вазминлигида, баракали қўлларида!» — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Гулнора Йўлдошева «Саодат»нинг янги сонида ўз мухбиримиз билан суҳбат чоғида. Юрт иқболини ўйлаб, эзгу ташвишлар ичра яшаётган бу замондошимиз тилга олганидек, юртимиз осойишта, халқ меҳнатдан чўчимайди. Жонкуяр, мард ва фидойи аёллар эса республикамизда жуда кўп. Пилла, пахта, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиб, турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётганимизда уларнинг ҳиссалари беқиёс. Бундай аёллар меҳнати журналнинг ҳар бир сонида ёритиб борилади. Бу гал хоразмлик тадбиркор аёлларнинг қувончу ташвишларидан огоҳ бўласиз. Чирчиқдаги кўз жарроҳи О. Қодирова билан қилинган суҳбат эса сизни шифокорнинг маънавий олами билан таништиради.

«...Учрашув охирида етимхона журналига дастхат ёзишимни илтимос қилишди. Узоқ ўйланиб қолдим. Сўнг ёздим: «Шу даргоҳдаги болаларнинг ота-онаси ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса, юзи қаро бўлсин, қаро бўлсин, қаро бўлсин!..» «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»нинг бир неча фалсафий лавҳалари севимли адибимиз — Узбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Саодат» муштарийларига туҳфасидир. Таниқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Шаҳарлик ойим»нинг кўргуликлари» (қиссадан парча), профессор Озод Шарафиддиновнинг «Миллат деб жонидан кечганлар» (Абдурауф Фитрат ҳақида сўз), Фозила Сулаймонованинг «Хоним қизларни тарбияловчи маскан» (баҳс учун мавзу), Нодир Нормат таржимасидаги «Фонус билан суҳбат ёхуд севимли аёл бўлиш сирлари» (ҳинд халқ ривоятларидан) асарлари кайфиятингизга янада кўтаринкилик олиб киради.

«Қандоқ қилсак, аёлларимизнинг тўрт мучаси соғ, кўнгли бут бўлади?.. Қай тарзда йўл тутсак дарз кетаётган оилаларга мўмиёи мум бўламиз? Қандай қилсак, оилалар мустаҳкам бўлади?» — «Жамиятнинг олтин пойдевори» деб номланган давра суҳбатида ана шулар ҳақида кенг баҳс юритилади.

«Кўнгилга ташриф» рукнининг яна бир меҳмони — Ҳамза номли академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Тутихон Юсуповадир. «Бир олам ҳаяжон» деб номланган бу мақолада севимли актрисамизнинг ижодий ҳаёт йўли ҳақида ўқийсиз.

«Иқтисод дарслари», «Беш тийинлик нон», «Ҳикматли хулосалар», «Сизни ўйласам», «Само маликаси», «Муҳаббатнома»даги шеърлар... Буларнинг ҳар биттаси сизни эътиборсиз қолдирмайди, ақлингизни тиниқлаштириб, фикр доирангизни оширади. Муҳими, ўқиб-ўққанларингиз кўнгил уйингизга шамчироқ бўлиб осилади. «Саодат»нинг ижодий жамоаси ҳар янги сонни режалаштираркан, кўнглингизга шамчироқ бўлмоқ муддаосини унутмайди. Шу эзгу илинж билан «Саодат»ни Сизга томон — Сиз томон қўшқўллаб узатаверади...

Келгуси йилдаги режаларимиз янада улкан. Истиқлол байроғини бош узра тутиб, «Саодат»ни Аёлнинг ҳимоячиси, Аёлнинг ҳамдарди, маслаҳатгўйи, Аёл адо этаётган яратувчилик ишларининг тарғиботчиси ва Аёл кўнглининг шамчироғига айлантириш ниятимиз бор. Хўш, сиз севимли журналингизда яна нималар ҳақида ўқишни истайсиз? Биз сиз учун зарур бўлган яна нималарни хаёлдан фаромуш этдик? Келгуси йилги саҳифаларимизда қандай мавзулар кўринишини истайсиз, муҳтарам Аёл! Журналингизга обуна давом этаётган ушбу кунларда шу ҳақда фикрлашиб олайлик. Бу нарса Сиз учун ҳам, биз учун ҳам фойдалидир.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА, «Саодат»нинг «Аёл, оила ва жамият» бўлими муҳаррири.

Обуна — 97

Шоҳмат

Иброҳим — ФИДЕ спорт устаси

Испаниянинг Монерко шаҳрида шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юртдошларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Айниқса ,самарқандлик 14 ёшли моҳир шахматчимиз жаҳон чемпионатининг энг кучли шахматчиларидан бири саналган франциялик 13 ёшли Э. Бакро билан ҳайиқмай дона сурди. Натижада ўйин дуранг билан якунланди. Иброҳимжон энг сўнгги турда арманистонлик Левон Аронянга қарши тенгма-тенг курашди. Бироқ, нуфузли мусобақанинг ҳаяжони босди шекилли, мағлубиятга учради. У 11 имконияти-дан 7,5 очко жамғариб, бешинчи ўрин билан кифояланди. Шу нарсани қувонч билан айтиш керакки, таниқли гроссмейстерлар, халқаро миқёсдаги спорт усталарига дона сурган Иброҳим Ҳамроқулов ФИДЕ спорт усталиги талабини бажарди.

Футбол

ДАРВОЗАБОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

10 ноябрь куни пойтахтимиздаги МҲСК ўйингоҳида Узбекистон биллур соврини учун «Пахтакор» билан «Нефтчи» командалари ўзаро беллашдилар. Одатдагидек, қизиқарли ва муросасиз бўлиб ўтган ўйиннинг асосий вақтида дарвозалар дахлсиз қолди. Ўйиндан сўнг қўшимча 30 минут вақт берилди. Бироқ қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармади. Ниҳоят ўйин тақдирини бештадан тепиладиган 11 метрлик жарима тўплари ҳал қиладиган бўлди.

Баҳсда фарғоналикларнинг қўли баланд келди. Улар ишончли ҳаракат қилиб муҳим ғалабани қўлга киритди. 11 метр белгидан тепган барча тўплари дарвоза тўрига бориб тушди. «Пахтакор»чилар ҳам яхши ҳаракат қилишди. Фақаттина Акопянц тепган тўп ноаниқ кетди. Ва бу тўп «Пахтакор»чиларга жуда қимматга тушди. Шундай қилиб, ўйин 5:4 ҳисобида «Нефтчи» фойдасига ҳал бўлди. Энди улар келаси йил бўладиган Осиёкубок эгалари кубоги соврини учун баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Биз фақат уларга омад тилаб қоламиз.

Тэквандо

ШУҲРАТ — ЎЗ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИГАН ШОҲСУПАДА!

Таэквандо бўйича Бельгия очиқ чемпионати ўз поёнига етди. Унда дунёнинг бир қатор мамлакатларидан келган 500 нафарга яқин моҳир спорт усталари қатнашдилар. Норасмий қитъа чемпионати ғолиби одатдагидек шу қитъа вакиллари эмас, балки ўзбекистонлик таэквандочилар бўлишди. Беллашувда 10 нафар ҳамюртимиз 8 та медални қўлга киритди. Айниқса, бу муваффақиятга терма команданинг энг ёш аъзоси Шуҳрат Абдусаматов 80 кг вазнлилар ўртасида жанг қилиб, ўз номи билан аталадиган — шуҳрат шоҳсупасига кўтарилди.

Улуғбек ЖУМАЕВ, Хайрулло ЖУМАЕВ.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими 138-мактаб директори Д. М. Азимовага онаси

Наима ая ШОИСЛОМОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.